VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

15 (447) ● 2017 йил 12 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида шу йил 11 апрель куни кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, мамлакатимиз шаҳар ва туманлари ҳокимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Селектор йиғилишида дастлаб ҳаётий муҳим масалалар бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасидаги ишларнинг аҳволи муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда давлатимиз раҳбарининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлагани халқ манфаатларини таъминлаш, мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш йўлидаги улкан амалий қадам бўлгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йил бошидан буён Виртуал қабулхонага 315 мингта мурожаат келиб тушган. Жойлардаги Халқ қабулхоналарида 47 мингдан ортиқ фуқаро қабул қилинган ва уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилган.

Шу билан бирга, жойларда баъзи раҳбарларнинг аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлари ва ҳақли талабларига бефарқ муносабатда бўлаётгани кўзга ташланмоқда. Шикоятларнинг 70 фоизи бевосита маҳаллий ҳокимлик ва идораларнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича бўлса-да, афсуски, кўтарилаётган муаммолар жойида ҳал этилмасдан қолмоқда. Шунинг учун аҳоли ва юридик шахслар марказий идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда.

Йиғилишда мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, Бош вазир А.Арипов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергановга кўплаб мурожаатлар, айниқса, такрорий мурожаатларга сабаб бўлаётган тизимли муаммоларни бир ой муддатда ўрганиб чиқиб, уларни ҳал этиш юзасидан комплекс таклифлар тайёрлаш вазифаси топширилди.

Селектор йиғилишида кун тартибидаги навбатдаги масала — мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Истиқлол йилларида озиқ-овқат хавфсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш соҳасида улкан ишлар амалга оширилгани, йилдан-йилга халқимиз фаровонлиги ортиб, турмуш даражаси ва сифати юксалиб бораётгани қайд этилди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан нафақат ўз аҳолимизни тўлиқ таъминлашга эришгани, балки экспортга маҳсулот етказиб бераётгани ўтган йиллар давомида соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг натижасидир.

Айни вақтда мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида бу борада жиддий оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Баъзи минтақаларда яратилаётган қулай шароит ва имкониятларга қарамасдан, айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўз аҳолисини тўлиқ таъминлашга эришилмаган. Масалан, Қашқадарё вилоятида маҳаллий аҳолини ҳудудда етиштирилган мева билан таъминлаш даражаси 71 фоизни, Сирдарё вилоятида 85 фоизни ташкил этмоқда. Бу албатта ҳеч кимни қаноатлантирмайди.

Йиғилишда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларидан бири — бу аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиши билан узвий боғлиқ экани таъкидланди. Афсуски, бу борадаги аҳвол ҳамма жойда ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Масалан, жорий йил давомида ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, Навоий вилоятида 27 фоиз, Самарқанд вилоятида 45 фоиз, Бухоро вилоятида 47 фоиз, Жиззах вилоятида 50 фоиз томорқа ерларида, афсуски, озиқ-овқат экинлари ва мевали дарахтлар экилмаган.

➜ 2

Юзма-юз

МУЛОҚОТ ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОШИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, жойларда мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганмоқда, халқ билан мулоқот ўтказмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида халқ билан мулоқот тизимини кенг йўлга қўйиш, аҳоли дарду ташвишига шерик бўлиш, уларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бу борадаги ишлар янги босқичда давом эттирилмоқда.

Аввал хабар берилганидек, шу йилнинг 1-10 апрель кунлари депутатлар жойларга чиқиб, халқ билан мулоқот қилди, ҳудудларда ислоҳотларнинг боришини ўрганди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов, фракция аъзолари Жуманазар Отажонов ва Иноят Ҳожиев Хоразм вилоятининг Гурлан туманида бўлиб, ҳудудда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва мавжуд муаммоларни ўргандилар.

— Инсон саломатлигини асраш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш мамлакатимизда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Ғулом Матёқубов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, халқимизни рози қилиш учун, аввало, аҳолининг сифатли тиббий хизматга бўлган талабини қондириш зарурлигини таъкидлади. Жорий йил 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан учрашувларида тизимдаги мавжуд ҳолат чуқур танқидий таҳлил этилиб, муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаб берилди. Шунингдек, 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони тиббиётнинг муҳим бўғини бўлган шошилинч тиббий ёрдам тизимидаги ислоҳотларни давр талаби ва аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Депутатларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда жойларда бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги ҳолати билан танишдилар. Бу борадаги муаммоларнинг ечимини топиш, аҳоли мурожаатларига ўз вақтида қониқарли жавоб қайтариш, тиббий хизмат сифатини такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилаётир. Бу келгусида, албатта, ўз натижасини кўрсатиши шубҳасиз.

ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов туман тиббиёт бирлашмасига қарашли тез тиббий ёрдам бўлими, марказий поликлиникада бўлиб, бу ерда беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳолати билан яқиндан танишди. Беморларнинг ҳолидан хабар олиниб, улар билан очиқ ва самимий мулоқот қилинди.

— Юртимизда халқ манфаатларини таъминлаш, айниқса, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани бизни беҳад қувонтирмоқда, — деди Нафиса Мақсадова депутат билан мулоқотда. — Уйимдан ёмон аҳволда, кучли оғриқ билан келгандим, шошилинч операция қилишди. Худога шукр, шифокорларнинг тезкор ёрдами билан дард ортда қолди: ҳозир ўзимни анча яхши ҳис қиляпман. Бунинг учун шифокорлардан беҳад миннатдорман.

➜ 2

Миллий гурур

ШАҲДИ БАЛАНД ДИЛНОЗА

Спорт — саломатлик, гўзаллик, маънавий баркамоллик омили. Бугун мустақил ҳаётга катта умид ва аниқ мақсадлар билан кириб келаётган навқирон авлод вакиллари, айниқса, қизларимиз спортга қундалик турмуш тарзининг ажралмас бир қисми сифатида қарамоқда. Нуфузли халқаро мусобақаларда шоҳсупанинг юқори поғоналарини забт этиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган миллат фарзанди эканини исботлаётган спортчи қизларимизнинг ишжоати барчамизга ифтихор бағишламоқда.

➜ 6

Муносабат

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланган.

АЖДОДЛАРНИ ХОТИРЛАШ — МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 майнинг мамлакатимизда умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни деб номлангани, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз шарафига пойтахтимизда, вилоят ва туманлар марказларида Хотира майдонлари ташкил этилиши бу борадаги саъй-ҳаракатлар давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан эканини яққол ифода этди. Бугунги кунда ушбу майдонлар халқимизнинг муқаддас қадамжолари сифатида доим зиёратчилар билан гавжум. Бу ердаги хотира китобларида номи битилган мард ва жасур юртдошларимиз хотираси ёд этилади.

Иккинчи жаҳон уруши кишилик тарихидаги энг қирғинбарот ва мудҳиш уруш сифатида инсоният бошига бемисл кулфат ва талофатлар келтирди. Бу ўзбек халқини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Унда бир ярим миллиондан зиёд ўзбекистонлик иштирок этиб, уларнинг 450 мингдан ортиғи жанггоҳларда қолиб кетди, 600 мингдан ортиқ навқирон йигитлар ногирон ва ярадор бўлиб қайтди. Уруш фронт ортидаги халқимизни ҳам ниҳоятда оғир ва машаққатли аҳволга солди.

➜ 2

Таҳлил

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИ — ДАВР ТАЛАБИ

Юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эзгу мақсад, айниқса, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида янги босқичга кўтарилди. Мазкур жараён, ўз навбатида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар зиммасига янада залворли вазифа ва масъулият юкламоқда. Улар халқ вакили сифатида аҳолининг муаммолари, ташвишларидан хабардор бўляпти, ўз ваколатидан келиб чиқиб мавжуд масалаларни ўз вақтида ижобий ҳал этишга интиляпти.

Буни бугун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фаолияти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Улар партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муайян ташаббус ва аниқ ишларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Депутатларимизнинг амалий ишлари сарҳисоб қилинганда, улар фаолиятида муайян ўсиш, самарадорлик, ўз ваколатидан унумли фойдаланишга интилишни кузатиш мумкин. Жойларда электорат манфаатлари, ҳудудлар ривожига дахлдор кўплаб масала-муаммолар, аҳолининг таклифлари ЎзМТДП гуруҳлари аъзолари кўмаги ёхуд иштироки билан амалга ошаётгани бунинг далилидир.

➜ 4

Ушбу сонда:

➜ 6-бет

ШАМОЛ — ЭНГ ҚАДИМГИ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

➜ 7-бет

ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА РИВОЖИДА ЁШЛАР ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИ

➜ 8-бет

«Milliy tiklanish» газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
15 (447) 2017 йил 12 апрель, чоршанба

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ана шу масалаларни ҳал қилиш юзасидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва ҳокимликлар раҳбарларига озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди. Жумладан, мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 66 тумандаги 455 минг гектар унумдор ердан, 2017-2020 йилларда пахта ва ғалладан бўшайдиган 215 минг гектар майдондан унумли фойдаланиш зарурлигига урғу берилди. Шунингдек, мамлакатимиздаги 4 миллион 600 минг хонадонга тегишли 515 минг гектар томорқа ерларига жорий йилнинг 1 майига қадар озиқ-овқат экинларини тўлиқ экишни таъминлаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Селектор йиғилишида яна бир муҳим масала — ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий раҳбарларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Аввало, маҳаллий раҳбарларнинг жойларда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси ва экспортни кенгайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли жон бошига даромадлар ўсишини таъминлашга қаратилган ишларни ташкил қилиш ва уларнинг қатъий назоратини амалга ошириш борасидаги муҳим вазифалари белгиланди. Маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни халқимизга бегона бўлган турли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жойлардаги молия-солиқ органларининг асосий вазифаси сифатида маҳаллий бюджетнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев селектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар ҳақида тўхталиб, биз барчамиз мамлакатимиз ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан изчил ва мутаносиб ривожлантириш, халқимиз билан доимий ва очиқ мулоқот олиб бориш орқали юртдошларимизни ташвишга солаётган ҳаётий муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш, аҳоли учун ҳар томонлама муносиб турмуш шароитларини яратиш бўйича кенг кўламли вазифаларни ўз зиммамизга олганимизни доимо ёдимизда тутиб, шу асосда фаол иш олиб боришимиз керак, деб таъкидлади.

Бу вазифаларни бажариш Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, ҳукуматнинг ҳар бир аъзосидан бошлаб, энг қуйи бўғиндаги идора ва ташкилотлар раҳбарлари, барча ходимлардан масъулиятни чуқур ҳис этиб, қатъий тартиб-интизом билан фидокорона меҳнат қилишни, энг муҳими, амалий натижаларга эришишни талаб этиши алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун, фармон, қарор ва фармойиш, барча топшириқлар ўз вақтида, сифатли ва сўзсиз бажарилиши зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Бош прокурор, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, республика туманлари ва шаҳарлари ҳокимлари, маҳаллий идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан вазифалар ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА

Юзма-юз

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

МУЛОҚОТ ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОШИРМОҚДА

Депутатлар ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ҳам ўрганди. Хусусан, Хизр эли қишлоқ врачлик пунктидаги шароит, мавжуд муаммолар билан танишдилар. 11 минг 700 нафарга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи мазкур тиббиёт муассасаси шарт-шароитлари, моддий-техника базаси ўрганилди.

Учрашувлар давомида кўтарилган айрим муаммолар жойида ҳал этилди. Фракция раҳбари ҳудуддаги 13-мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан танишиш мобайнида тарбиячи Мукаррама Жуматова депутатга муассаса моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш борасида мурожаат қилди. Маълум бўлишича, қиш кунлари боғча хоналари яхши иситилмас, гарчи бу борада бир неча бор тегишли мутасаддиларга мурожаат қилинган бўлса-да, муаммо кўп вақтдан бери ечим топмай келаётган экан. Депутат мазкур масалада туман молия бўлими бошлиғига мурожаат қилди ва уни ижобий ҳал қилиш чоралари белгиланди.

Депутатлар Хизр эли қишлоғидаги қатор хонадонларга кириб, уй эгалари билан суҳбатлашди, уларнинг муаммолари билан қизиқди. Чунончи, Зиёкор маҳалласидаги кам таъминланган оила — Ҳамро Хўжанов хонадонида бўлишганида депутатлар оиланинг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида мавжуд имкониятлардан, бугун яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, хусусан, тадбиркорлик ёхуд чорвачилик билан шуғулланиш борасида йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берди. Бундан руҳланган Ҳамро Хўжанов қорамол сотиб олиш учун имтиёзли банк кредити ажратилишига кўмак сўради. Масала жойида ҳал қилинди, Халқ банки Гурлан туман бўлими бошқарувчиси банк кредити ажратилишига кўмаклашадиган бўлди.

Шу маҳалладаги фуқаро Ражаббой Эшниёзовнинг муаммоси ҳам ўз хонадонида, депутатлар кўмагида ҳал бўлди. Бу хонадонда уч оила — жами 15 киши истиқомат қилиб келмоқда. Шу сабабли фарзандларини уй-жой билан таъминлаш муаммоси оила бошлиқларини анчадан буён ўйлантириб келаётган эди. Депутатлар мазкур муаммони бартараф этиш бўйича туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарига мурожаат қилди ва масалани ҳал қилишга келишиб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўзлари сайланган ҳудудда аҳоли билан учрашиб, бир қатор муаммоларни ўша жойнинг ўзида ҳал этишди. Жумладан, Гурлан тумани буюм бозорида фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркор Умида Ражабова мурожаати ҳам эътибордан четда қолмади. Тадбиркор фаолият кўрсатаётган дўкон эгалари унинг ижара шартномаси йўқлиги боис "Полвонобод" МЧЖга қарашли савдо масканини бўшатиб қўйишни талаб қилишган. Депутат Сарвар Отамуратовнинг саъй-ҳаракати билан "Полвонобод" масъулияти чекланган жамиятта тадбиркор Умида Ражабова ҳам таъсисчи сифатида киритилди ва ана шундай йўл билан тадбиркор ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

Фарғона вилоятидан сайланган парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва мутасадди вакиллардан иборат гуруҳнинг Фарғона туманида халқ манфаатлари устуворлигини таъминлаш мақсадида олиб борган ўрганишлари, аҳоли билан учрашув ва очиқ мулоқотлари қизғин кечди.

Амалий мулоқотлар чоғида туманда иқтисодий инфратузилма ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, молия-кредит ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудларни ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари Акмал Умрзоқов ҳамда Шерзод Раҳимов туманнинг "Пастки Арча", "Юқори Арча", "Қуриқ" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, одамларни ўйлантираётган муаммолар билан танишди. Очиқ мулоқотлар давомида аҳоли асосан ҳудуддаги кўчаларни ободонлаштириш, ички йўлларни асфальт қилиш борасида мурожаат қилди.

— Бугун юртимизнинг барча ҳудуди кундан-кунга чирой очиб, гўзал қиёфа касб этиб бормоқда, — дейди "Пастки Арча" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Неъмат Эргашев. — Ҳудудлар ободлиги, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиши одамларнинг ўз ҳаётидан мамнун ва рози бўлиб яшашига замин бўлади. Бизнинг ҳудудимизда ҳам ободонлаштириш ишларини олиб боришга, ички йўлларни таъмирлашга эҳтиёж бор. Айниқса, ёғингарчилик

кунларида кўча ва йўлларимиз аянчли аҳволга келиб қолади. Бу эса аҳоли, айниқса, фарзандларимизга мактаб, коллежларга қатнашида қийинчилик туғдиради. Анчадан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган ушбу масалани ҳал қилишда ҳудудимизга ташриф буюрган депутатларимиздан кўмак сўрадик. Мурожаатимиз беэътибор қолмади — ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов мазкур муаммони ҳал қилиш учун туман йўл қурилиши корхонасига мурожаат қилди. Тез орада ушбу масала ижобий ҳал қилиниб, кўча ва йўлларимиз равон ва кўркам бўлишига умид қиламиз.

"Юқори Арча" маҳалла фуқаролар йиғининг бир гуруҳ фаоллари депутат билан мулоқот чоғида Қизилқўрғон кўчасини асфальт қилиш, ҳудудни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида мурожаат қилди. Мавжуд ҳолат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам Қизилқўрғон кўчаси ҳудудини ободонлаштириш, йўлларни асфальтлаш зарурлиги аён бўлди. Бундан ташқари, одамлар анчадан буён тоза ичимлик суви муаммосидан ҳам қийналиб келаётган экан. Ушбу масалалар юзасидан туман йўл қурилиши ҳамда "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхоналарига мурожаат қилиниб, мурожаатларнинг ечим топишига амалий ёрдам берилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жолдасбай Абдижамиловнинг Кўнғирот туманидаги ўрганишлари ҳам аниқ натижаларга бой, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлари эса самимий ва очиқ руҳда ўтди.

Хусусан, "Адабиёт" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Бўстонлиқ овули фуқаролари ҳудуддаги коллекторнинг кўмилиб қолганлиги туфайли томорқалари зарар кўраётганини айтиб, ушбу муаммони ҳал этишда депутатдан кўмак сўради. Депутат ушбу муаммони жойида ўрганиб, уни дарҳол ҳал этиш зарурлиги, коллектор тозаланса, аҳоли томорқалари намлиги олди олиниши, натижада ҳудуддаги ерларнинг аҳволи яхшиланиши тўғрисида туман мелиорация бўлимига мурожаат қилди ҳамда муаммо ижобий ҳал этилди.

Депутат "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди аҳолиси билан учрашиб, уларнинг муаммолари, ташвишлари, режалари билан қизиққанда, 9 нафар фуқаро маиший техникага эҳтиёжи борлиги учун истеъмол кредити олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Шундан сўнг депутат ушбу масала юзасидан "Микрокредитбанк" туман филиали билан боғланиб, фуқаролар мурожаатига ижобий ечим топилишига ҳисса қўшди. Фуқаролар масала-муаммолари ўз жойида, депутат кўмаги билан ижобий ҳал қилинаётганидан мамнун.

57-Оқдарё сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Сиддиқ Намозов ўрганишларни ўз сайлов округидан бошлади. Депутат дастлаб тумандаги тиббиёт бирлашмасига ташриф буюриб, у ердаги шарт-шароитлар халқнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келаётганлигига гувоҳ бўлди.

Хусусан, Оқдарё туман тиббиёт бирлашмасида аҳвол тамоман бошқача — беморларнинг даволанишлари учун яратилган шароитлар қониқарли эмас, даволаниш хоналарида иситиш тизими яхши эмаслиги боис беморлар ноиложликдан қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланаётир. Шунингдек, ўрганишлар мобайнида электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви муаммолари ҳам борлиги кўзга ташланди. Тиббиёт бирлашмасининг неврология ҳамда туғруқ бўлими биноси ўта таъмирталаб аҳволда. Овқатланиш ва ошхонадаги санитария ҳолати ҳам қониқарли эмас. Масалан, ўрганиш олиб борилган куни бу ерда даволанаётган беморлар сони 152 нафар бўлиб, шундан 29 нафари пуллик, қолгани эса имтиёзли овқатланувчи беморлар ҳисобланади. Ошхонада беморларга тушлик учун тайёрланаётган овқатга солиниши лозим бўлган масаллиқларнинг миқдори эса жуда камлиги таажжубланарли. Таомномада кўрсатилган маҳсулотлардан биргина гўштни оладиган бўлсак, 123 кишилик овқатга 1 килограмм атрофида гўшт солинган холос. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Ваҳоланки, ушбу қозондан юздан зиёд бемор овқатланиши керак. Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида парҳез ҳамшираси Гулчеҳра Хуббимовага савол берилганида айтарли бирор изоҳ бера олмади.

Шунингдек, депутат беморлар билан ҳам мулоқот олиб борди. Мулоқотлар давомида неврология бўлимида даволанган "Пичоқчи" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Умида Бобоёрова шу ерда даволанганлиги ҳақидаги тегишли маълумотномани уч кундан буён ололмасдан сарсон бўлиб юрганини таъкидлади. Депутат аралашуви билан муаммо ўз жойида ҳал этилди.

Тиббиёт муассасаларини ўрганиш якунлари бўйича туман ҳокимлиги, тегишли ташкилотлар билан биргаликда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ана шундай қийин ва мураккаб паллаларда халқимизга хос бағрикенглик, меҳр-шафқат, жасорат янада яққол намоён бўлди. Уруш йилларида аҳоли таркибида ҳарбий хизматчилар оилалари, эвакуация қилинганлар, уруш ногиронлари, етим болалар деб номланган янги ижтимоий гуруҳлар пайдо бўлди.

АЖДОДЛАРНИ ХОТИРЛАШ — МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

Ўзбекистонга 1 миллиондан ортиқ киши, жумладан, 200 минг бола эвакуация қилинди. Турли миллатга мансуб етим болаларни ўзбек халқи ўз фарзандидай ардоқлаб, вояга етказди. Тошкентлик темирчи уста Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи 15, каттақўрғонлик Ҳамид Самадов 13, самарқандлик Фотима Қосимова 10 болани асраб олиб, таълим-тарбия берди, вояга етказди...

Ўша оғир кунларни, юракни эзувчи воқеаларни бугун нега эслаймиз? Ўтмишдан, тарихдан сабоқ чиқариш учун, бугунги эркин, озод ва фаровон ҳаётимизга шукроналар келтириш учун, бу кунлар ўз-ўзидан бўлиб қолмагани ёки осмондан тушмаганини эслаб туриш учун, қолаверса, бугунги ёшларимиз мустақиллик нима эканлигини, у осонликча қўлга киритилмаганини, унинг қадрига етиш, асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш мақсадида тинмай ҳаракат қилиш лозимлигини тушуниб етиши учун ёдга оламиз.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқаридан туриб, миллатлар ўртасидаги тотувликни бузиш, демократия ва эркинлик ниқоби остида дунёқараши турлича бўлган ёшларни миллий ва маънавий қадриятларимизга қарши қўйиш, ҳаётимизга ёт эътиқодсизлик ғояларини илгари суриш, халқни шовинизм гирдобига тортишга қаратилган уринишлар кўп бўлди. Она юртимиз тинчлиги, халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлаш йўлида навқирон йигитларимиз ҳалок бўлди. Ўз хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, фашизмга қарши курашда нобуд бўлган юртдошларимизнинг хотирасини, жангу жадалларда кўрсатган жасоратларини унутиш мумкин эмас, унутиб бўлмайди. Бу каби тарихий ҳақиқатлар ҳар биримизни мамлакатимиздаги тинчлик-тотувликнинг қадрига етишга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб яшашга ундайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 4 апрелдаги "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам ана шундай эзгу ишларнинг давоми сифатида аҳамиятлидир. Қарорга мувофиқ бу йилги байрам тадбирлари "Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик", "Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият" шиорлари остида ўтказилади. Шу билан бирга, Президентимизнинг айнан шу санада имзоланган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони билан 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига бир марталик пул мукофоти берилиши Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эҳтиром намунасидир.

Байрам арафасида ўқув даргоҳлари ҳамда ҳарбий қисмларда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари иштирокида давра суҳбатлари, мулоқотлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётир. Қуролли Кучлар давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, жойлардаги музейларга экскурсиялар уюштирилиб, уларда ўқувчилар тарих саҳифаларига муҳрланган мард ва жасур ватандошларимизга оид қизиқарли маълумотлар билан танишмоқда. Бу, юртимизда Ватанимиз тақдири, унинг тинчлиги ва ёруғ келажаги учун дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига, баркамол авлод тарбиясидаги устувор йўналишга айланганининг амалдаги ёрқин тасдиғидир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, ҳаётимиз фаровонлигида халқимизнинг ана шундай мард фарзандларининг хизмати беқиёс. Бугун ҳам орамизда 1300 га яқин уруш қатнашчиси ҳамда фронт ортида хизмат қилган 69 минг отахон ва онахонларимиз тинч-осуда ҳаёт кечирмоқда. Ушбу дориломон кунлар учун жанг майдонларида жон берган, суронли ва таҳликали ҳарбий ҳаракатларнинг гувоҳи бўлган, урушдан қайтмаган ватандошларимизни эслаш ва орамизда истиқомат қилаётган нуронийларимизга ғамхўрлик кўрсатиш ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас бурчидир.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
"Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди раиси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори,
ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси

Муаммо ечим топди

ДЕПУТАТ КЎМАГИДА ЯНГИ ЦЕХ ОЧЯПМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, улар учун барча соҳада зарур қулайликлар яратишга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада одамлар билан мулоқотнинг таъсирчан ва самарали усулларидан кенг фойдаланилаётгани ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

Ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, аҳоли турмуш тарзи билан танишаётгани мамлакатимизда инсон манфаатлари — энг олий қадрият, деган эзгу тамойилнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини кўрсатади. Бундай учрашувлар аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тўрақўрғон туманида парламент вакилларининг аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказиши асосида ҳам маҳаллий давлат бошқаруви идоралари, корхоналар, ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти ўрганилмоқда, ҳам ҳудудга хос долзарб масалаларга мутасаддиларнинг эътибори қаратилаётир.

Қарийб 15 йилдан буён хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Биз тайёрлаётган эшик-ромлар сифат жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди. Шу боис анчадан бери фаолиятимизни янада кенгайтириш, маҳалламизда ишсиз юрган ёшларни ҳам жалб этиб, устачилик сир-синоатини ўргатишни дилимга тугиб юрган эдим. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ўтказилаётган учрашув ва очиқ мулоқотлар бу мақсадимни амалга оширишда айни муддао бўлди. Депутатларга мебель ишлаб чиқариш ва таъмирлаш цехи очиш учун айни пайтда маҳалламиз ҳудудида бўш турган эски бинодан фойдаланишда амалий кўмак сўраб мурожаат қилдим. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Нодир Мухторовнинг саъй-ҳаракати билан мазкур бинони бизнинг тасарруфимизга ажратиш ҳақида маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори қабул қилинди.

Бироқ цех ташкил этиш учун фақат бинога эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмаслиги кундек равшан. Шунинг учун ҳам депутат Н.Мухторовдан банкдан имтиёзли кредит олиш бўйича йўл-йўриқ, ёрдам сўрадим. Бизнес-режа, иш кўлами ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олиб, банкдан 30 миллион сўм кредит олишга қарор қилдим. Бу ишларда депутат бизни доимо қўллаб-қувватлаб, ўзининг амалий ёрдамини кўрсатмоқда. Ҳозирда кредитни расмийлаштиряпмиз. Насиб этиб, кўзлаган лойиҳа-режамиз амалга ошгандан кейин яна олтита янги иш ўрни яратилади.

Умуман, парламент вакилларининг ҳар ойда оддий одамлар билан дилдан суҳбатлашиб, уларнинг режа-мақсадлари, муаммо ва масалалари билан қизиқаётгани, уларга ечим топишда амалий кўмак бераётгани аҳолини қувонтирмоқда. Ҳозир кўча-кўйда ким билан суҳбатлашманг, депутатга қандай масала билан мурожаат қилгани-ю муаммоси қандай ҳал бўлганидан сўзлайди. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган бундай тизим бизни ўз вакилларимиз билан янада яқинлаштирди, бундай учрашувлар эса турли тўсиқларга тўғри ва оқилона ечим топиш, юртимиздаги ҳар бир тадбиркор ҳамиша давлатимиз ҳимоясида эканини теран ҳис этиш имконини бермоқда.

Жўрабой ОБИДЖОНОВ,
Тўрақўрғон тумани Бирлашган маҳалласида яшовчи ҳунарманд-тадбиркор

Тадбир

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ МУАММОСИ

ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 18 январдаги "2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги қарорида умумий қиймати 8,422 триллион сўмлик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастурда янги иш ўринлари яратиш, минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, сув таъминоти, канализация, санитария тизимлари ва маиший чиқиндиларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш тизими, аҳоли турар жой шароитларини яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, болалар ва спорт майдончаларини ташкил этиш, транспорт, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш, суғориш ва ташқи ёритиш тармоқларини такомиллаштириш, замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этган ҳолда Нукус ва Урганч шаҳарларининг иссиқлик таъминоти тизимларини яхшилашга қаратилган долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан партия Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Мўйноқ туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган "2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастурининг бажарилишида ЎзМТДП иштироки" мавзусидаги тадбирда мазкур қарордан келиб чиқувчи вазифалар, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, Мўйноқ туман хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бунда ЎзМТДПнинг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида жорий йилнинг январь ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди, — деди Т.Романов. — Давлатимиз раҳбари ташриф давомида қишлоқ врачлик пункти, Мурувват уйи, мактаб, шифохона ва бошқа ижтимоий соҳа объектларида бўлиб одамлар билан суҳбатлашди, яратилган шароитлар билан яқиндан танишди. Ушбу минтақада Орол денгизи билан боғлиқ юзага келган экологик вазият, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила ва маҳалла институтларини ривожлантириш, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш каби бир қатор муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада амалга оширилиши лозим долзарб вазифалар белгилаб берилди. Ана шундай муҳим вазифалар ижросини таъминлашда партиямиз ташкилотлари ва депутатларимиз ҳам ўз ҳиссасини қўшиши, ҳар қачонгидан-да фаол ва ташаббускор бўлиши талаб этилади. Қолаверса, мазкур дастурда белгиланган чора-тадбирлар партия сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифалар билан мос ва ҳамоҳанг.

Тадбирда таъкидланганидек, минтақадаги экологик ҳолат келтириб чиқараётган муаммолар натижасида азият чекаётган аҳолига қулайликлар яратиш, уларни озиқ-овқат, дори-дармон ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Муҳтож оилаларга, биринчи навбатда, ёлғиз фуқаролар, боқувчисиз қариялар, ногиронлар ҳамда бошқа кам таъминланган тоифадаги аҳоли ва оилаларга маънавий-моддий кўмак бериш лозим.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, одамларни тадбиркорлик билан шуғулланишга йўналтириш, бунинг учун қулай шароитлар яратиш, банк кредитларини жалб қилиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш имконияти мавжуд. Шу билан бирга ҳудудларнинг имконияти, иқлим шароити, тарихий аҳамиятига қараб уларнинг туристик салоҳиятини ошириш, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш, бу борада учраётган муаммоларни депутатлик сўрови орқали ҳал этиш лозимлиги эътироф этилди.

Тадбирда 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий партиялар зиммасига бир қатор вазифалар юклатилгани, мазкур ишларнинг мазмун-моҳияти хусусида иштирокчиларга атрофлича маълумот берилди. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган ҳар бир йўналишдан кутилган асосий мақсад, аввало, халқ фаровонлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинлигини таъминлаш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашдан иборат. Бу жараёнда сиёсий партиялар ва депутатлар ҳам фаол иштирок этиши, ўз ваколатидан самарали фойдаланиши, аҳоли билан доимий ва самарали мулоқотни йўлга қўйиши, ишлаб чиқиладиган қонунлар одамлар манфаати, юрт равнақи, жамият ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилишига эътибор қаратиши талаб этилади. Модомики шундай экан, қабул қилинадиган ҳар бир қонуннинг халқчиллигини таъминлаш, унинг ижросини назорат қилиш депутатлар фаолиятининг устувор вазифасига айланиши лозим.

Тадбир доирасида халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси А.Тулимов саъй-ҳаракати билан "Таллиўзек" МФЙда барпо этилган болалар майдончасининг очилиш маросими бўлди. Партия фаоллари томонидан майдонча атрофига мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

Минтақавий семинар

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР — ЕТАКЧИ КУЧ

УЛАР ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида ҳам хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгашида ташкил этилган хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган минтақавий семинарда шу хусусда сўз борди. Унда партия Марказий кенгаши ва ЎзМТДП фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари партия ташкилотларининг "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг фаоллигини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти"нинг фаолиятини янада кучайтириш, бу борадаги муҳим вазифаларни амалга оширишда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик корпусини жалб этиш мақсадида ўтказилган семинарда ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти"нинг жорий йил ўтган даврида партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан олиб борган саъй-ҳаракатлари танқидий таҳлил этилди. Эришилган натижалар билан бирга, фойдаланилмаётган имкониятлар, лойиҳаларнинг мазмун-савияси, тарғиботлар таъсирчанлигини янада ошириш, айрим ҳудудий партия ташкилотларидаги сусткашликлар ҳам қайд этиб ўтилди.

— Ҳар бир партия фаоли ва депутат ўз вазифа-ваколатига масъулият билан ёндашиши, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар билан доимий ва самарали мулоқотни йўлга қўйиши — давр талаби, — деди партия Бухоро вилоят кенгаши раиси Саиджон Ҳамроев. — Бу, ўз навбатида, хотин-қизлар ва ёшларни ўйлантираётган масала-муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, шу асосда депутатлик сўрови, сессиялар ва доимий комиссиялар кун тартибига ташаббус-масала олиб чиқишга эътибор қаратишни тақозо этади.

Тадбирда хотин-қизлар ва ёшларни халқимизга ёт "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда ғоявий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ёшларни маънавий ибрат бўлиб хизмат қила оладиган ва ўрнак бўладиган фаол замондошларимизнинг бадиий образлари воситасида тарбиялаш каби масалаларга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Ёшларимиз маънавий камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш орқали турли кибертаҳдидларга қарши тура олиш имкониятини яратиш зарур. Болаларнинг хавфли виртуал ўйинлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун эса ота-она, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги назоратни кучайтириш талаб этилади. Зеро, партия кенг билимли, эркин фикрлайдиган, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига садоқатли ёшларни тарбиялаб етиштиришни ўзининг асосий бурчи деб билади.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Феруза Ибрагимова. — Ҳар йили минглаб оилавий корхона ва микрофирмалар ташкил этилмоқда. Аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлиги таъминланаётгани ва тадбиркорлик субъектлари миллий иқтисодиётимизнинг энг муҳим бўғинига айланаётгани амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараларидир. Партиямиз томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида мунтазам давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилаётир.

Семинарда таъкидланганидек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида хотин-қизлар ва ёшлар масалаларига оид белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партиянинг барча даражадаги ташкилотларининг масъулиятини ошириш лозим. Бунинг учун улар ташкил этадиган ҳар бир тадбир бирор-бир амалий масаланинг ечимини топишга хизмат қилиши зарур. "Ёшлар қаноти" етакчилари уюшмаган ёшлар билан кўпроқ мулоқотлар ташкил этиши керак. Ташкил этиладиган тадбирлар ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ҳар томонлама соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб келаётган нохуш ҳолатлар — тўй маросимларини ўта дабдабали ўтказиш ва исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирларга барҳам бериш каби эзгу мақсад йўлида хизмат қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Минтақавий семинарда партиянинг аёллар ва ёшлар йўналишидаги фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бахтиёр БОЗОРОВ,
халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шу боис ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда униб-улғайиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, интеллектуал салоҳиятини юксалтириши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда ёшларнинг ўз иқтидори ва салоҳиятини намойиш этишига кўмаклашиш борасида партия "Ёшлар қаноти" ҳам қатор истиқболли лойиҳалар ва чора-тадбирларни амалиётга жорий этаётир.

Ҳаракатлар стратегиясида 2017-2021 йилларда мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Замонавий билимга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш каби устувор мақсадлар илгари сурилган. Ана шу мақсад-вазифаларнинг мазмун-моҳияти, унинг ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, ёшларни турли кашфиётлар сари илҳомлантириш, салоҳиятли ёшларнинг халқаро мусобақаларда юқори марраларни забт этишига кўмаклашиш асосий мақсадимизга айланиши лозим.

Гулчеҳра ШАРИПОВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши етакчи мутахассиси:

— Бугун хотин-қизлар манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, уларни ўйлантираётган муаммоларини ҳал этиш, қизиқишларидан келиб чиқиб истиқболли янги лойиҳаларни ташкил этиш ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, тадбиқ этиладиган янги лойиҳалар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеи ва ролини ошириши ҳамда уларни ташаббускор бўлишга ундаши керак. Токи ўтказилган ҳар бир тадбир иштирокчиларга кенг маълумот берсин, онгу шуурига таъсир қилсин, партиямиз ғояларига хайрихоҳлик уйғотсин, амалий ишларига қанот бағишласин.

Бундан кейинги фаолиятимизда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш, улар иштирокидаги жиноятларни бартараф этиш, эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш ҳамда саломатлигини асраш каби жиҳатларга янада эътиборли бўлишимиз, бу борадаги тарғибот тадбирларини мунтазам ташкил этиб, амалий натижа кўрсатишимиз талаб этилади.

Хроника

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

НАВҚИРОН АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР

ХОРАЗМ

Шу кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳудудий ва маҳаллий ташкилотларида Амир Темур таваллудининг 681 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши Соҳибқирон Амир Темур таваллуди куни муносабати билан буюк бобомиз ҳаёт йўли, бебаҳо маданий-маърифий меросини ўрганишга бағишланган тадбир ташкил этди. Унда партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари аъзолари, партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари вакиллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

— Мамлакатимизда Амир Темур ва темурийларнинг миллий давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги бой меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ёшларни шу бебаҳо меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди партия вилоят кенгаши девони етакчи мутахассиси Нигора Нуруллаева. — Соҳибқироннинг бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари билан бирга, миллатлар ўртасида тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойили асосида мамлакатни бошқариб, халқларни ўзаро яқинлаштиришдаги ҳиссаси ҳар биримизга фахр ва ғурур бағишлайди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Амир Темур меросини ўрганиш ва уни кенг тарғиб этиш, Соҳибқирон номи билан боғлиқ тарихий обида, муқаддас қадамжоларни обод қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мазкур йўналишдаги ишлар, илмий тадқиқотлар нафақат юртимиз, балки хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш билан олиб борилаётир.

Тадбирда Амир Темурнинг илм-фан, санъат ва маданият соҳаларида, мамлакат ободлиги борасида амалга оширган улкан бунёдкорлик ишлари хусусида маълумот берилди. Темурийлар ҳукмронлиги даврида яратилган тарихий асарлар ва уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотларида "Китобнинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида туркум давра суҳбатлари ташкил этилаётир.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Яшнобод туман кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида ҳам мазкур фармойишдан келиб чиқувчи вазифалар, инсон ҳаётида, маънавий юксалишида китобнинг аҳамияти ҳақида сўз борди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда ёшлар қатнашди.

— Ахборот-коммуникация тармоқлари қанча тараққий этмасин, ундан фойдаланиш имкониятлари кенгаймасин, инсон ҳаётида китобнинг ўрни ва аҳамияти ҳеч қачон йўқолмайди, — деди партия Яшнобод туман кенгаши раиси Муҳиддин Султонов. — Халқимиз азалдан китобни билим ва маънавиятнинг бебаҳо манбаи сифатида қадрлаб келган. Истиқлол йилларида ушбу хайрли анъана янада теран маъно-мазмун билан бойиди: мамлакатимизда кутубхоналарга муносабат тубдан ўзгарди. Улар фаолиятига инновацион ишланмалар, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва услублари жорий этилди. Кутубхоналарнинг китоб фондини мунтазам бойитиш, илмий-маърифий, бадиий адабиётларнинг электрон шакларини яратиш, тезкор ва сифатли ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан асосий мақсад — аҳоли, айниқса, ёшларни китобга муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёшларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, уларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш муҳим вазифа саналади. Бу каби дастурий вазифалар ижроси, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш, бугунги ахборот асри билан ҳамнафас, ҳамқадам илдамлашида муҳим аҳамиятга эга.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Оҳангарон туман кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги Мурувват интернат уйида васийликка олинганлар ҳолидан хабар олинди. Тадбир давомида Мурувват интернат уйида яшовчилар учун ҳомийлар томонидан ёрдам тариқасида озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, зарур тиббий ускуна ва ногиронлик аравачалари берилди.

— Мамлакатимизда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари — ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — деди ЎзМТДП Оҳангарон туман кенгаши раиси Асилхўжа Мансуров. — Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясида пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга оид муҳим масалалар белгилаб берилган. Бинобарин, кучли ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу жамиятда инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларининг барқарорлигига хизмат қилаётир.

Партия туман кенгаши ва депутатлар ана шундай тадбирларни доимий ташкил этиб келаётир. Партия сайловолди Платформасида халқимизга хос мурувват, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш каби эзгу мақсад мужассам.

Тадбир якунида ана шундай хайрли ишларни давом эттириш, Саховат ва Мурувват интернат уйларининг шароитларини янада яхшилаш борасида амалга ошириладиган ишлар юзасидан вазифалар белгиланди.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири
Усмон АБДУРАСУЛОВ тайёрлади

Таҳлил

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИ — ДАВР ТАЛАБИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Маҳаллий Кенгашлардаги вакилларимиз ўз зиммасидаги масъулиятни адо этишда, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ижобий ҳал қилишда депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланишга эътибор қаратмоқда. Бунга халқ депутатлари Қува туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари фаолияти яққол мисол бўла олади. Мазкур маҳаллий Кенгашда ЎзМТДПдан сайланган беш депутат фаолият кўрсатади. Улар ҳудуддаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳоли мурожаатларида кўтарилган масалаларга ечим топишда депутатлик сўрови ваколатидан унумли фойдаланган ҳолда аниқ натижаларга эришиб келаётир.

— Бугунги давр халқ вакилларидан ўз фаолиятига жиддий масъулият, ҳар бир мурожаатга эътибор билан ёндашишни, ҳамиша халқ билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлишни тақозо этмоқда, — дейди халқ депутатлари Қува туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Миродилжон Арслонов. — Партия гуруҳимиз аъзолари ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиб, уларнинг дарду ташвишлари, муаммоларини ўрганмоқда. Шу асосда тегишли мутасаддилар, ташкилот ва корхоналар раҳбарларига депутатлик сўровлари юбориб, мавжуд масалаларни ҳал қилишга интилаётир. Мазкур йўналишда партия гуруҳимиз аъзолари жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида турли масалаларга оид 12 депутатлик сўровини амалга оширди. 2016 йилнинг худди шу даври билан таққосланганда, бу тўрттага кўп. Аммо бу билан кифояланмай фаолиятимизни янада кучайтиришимиз, аҳоли билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, уларни ташвишга солаётган масалаларни ўрганишимиз ва ҳал қилиш чораларини кўришимиз зарур.

Партия гуруҳи аъзолари аҳолининг ёзма ва оғзаки мурожаатларида кўтарилган қатор масала-муаммоларга тегишли мутасаддиларга депутатлик сўрови юбориш орқали ечим топаяпти. Жумладан, туманнинг "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳудудда йигит-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб туришлари учун шароит йўқлиги, шу боис маҳалла ҳудудида замонавий спорт майдончасини барпо этишда амалий ёрдам сўраб ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Мадиёр Туримовга мурожаат қилди. Депутат ушбу масала бўйича туман ҳокими ҳамда молия бўлимига сўров юборди. Сўровда акс этган масала тегишли тартибда ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. Айни пайтда "Ўзбекистон" МФЙ ҳудудида шинам, замонавий спорт майдончасини қуриш бошлаб юборилган. Бу, энг аввало, шу ҳудуддаги спортга иштиёқманд ёшларнинг спорт билан шуғулланиши, вақтдан унумли фойдаланган ҳолда мазмунли ўтказишига хизмат қилади. Қолаверса, депутатнинг ушбу саъй-ҳаракати ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ҳар томонлама соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг кўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифаларнинг амалдаги ифодаси сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Депутат Мадиёр Туримов электорат вакилларининг яна бир мурожаати ижобий ҳал бўлишига ҳисса қўшди. Гап шундаки, тумандаги 30-умумтаълим мактаби директори ўқув муассасасини таъмирлашга эҳтиёж борлиги, шу мақсадда муайян маблағ ажратилиши учун амалий ёрдам сўраган эди. Депутатнинг ўрганишлари натижасида синф хоналари ва умуман, мактаб биноси таъмирга муҳтожлиги маълум бўлди. Шундан сўнг Мадиёр Туримов ушбу масала юзасидан туман ҳокимлиги ҳамда туман молия бўлимига депутатлик сўрови юборди. Бунинг натижасида туман молия бўлими мутасаддилари мактабнинг ҳолатини ўрганиб, уни таъмирлаш учун 49 миллион сўм ажратди.

Аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш — партиямизнинг ижтимоий соҳадаги бош мақсади. Одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, ҳаёт сифати даражасини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари депутатларимизнинг доимий эътиборида. Халқ депутатлари Қува туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари мазкур йўналишда ҳам қатор ишларни амалга ошириб, аниқ натижага эришаётир.

Туманнинг Юқори Янгиқишлоқ қишлоғи бир гуруҳ фаоллари ҳудуд аҳолиси тоза ичимлик суви муаммосидан азият чекаётгани, шўр сувдан фойдаланиб келинаётгани, шу боис артезиан қудуққа эҳтиёж мавжудлиги борасида амалий ёрам сўраб, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Миродил Арслоновга оғзаки мурожаат қилди. ЎзМТДП гуруҳи аъзоси аҳолини қийнаётган мазкур муаммони бартараф этиш юзасидан вилоят "Сувоқава" ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғига депутатлик сўрови юборди. Натижада масала тегишли тартибда обдон ўрганилгач, Юқори Янгиқишлоқда артезиан қудуқ қуриш учун давлат бюджетидан 280 миллион сўм ажратилди.

— Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзолари бугунги давр олдимизга қўяётган талабларни ҳис этган ҳолда ўз ваколатидан самарали фойдаланиб, турли масала-муаммоларга ечим топишга интилмоқда, — дейди ЎзМТДП Қува туман кенгаши етакчи мутахассиси Муҳайё Нурматова. — Электоратимиз вакиллари, ҳудуд аҳолисидан партия ташкилотимизга келган кўплаб мурожаатларни ҳам депутатларимиз иштироки ҳамда кўмагида ҳал этяпмиз. Яқинда партия Марказий кенгаши вакилларидан иборат ишчи гуруҳ Фарғона вилоятидаги ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари фаолиятини ўрганганида, бизнинг тумандаги депутатлик гуруҳи фаолияти эътироф этилди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йўлида одамлар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ечим топиш, партия дастурий вазифаларини амалга оширишда депутатларимиз ва ташкилотимиз фаоллигини сусайтирмаслик, аксинча, янада кучайтиришга интиламиз.

Депутатларнинг амалий иши, аниқ натижа, самарадорликка эришиши ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун одамлар дардини эшитиш, аҳоли билан ҳамнафас бўлиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, бир сўз билан айтганда, ўрганиш зарур. Ўрганишлар эса жойида ёхуд қоғозда қолиб кетиши керак эмас. Мавжуд муаммоларни, ечимини кутаётган масалаларни ижобий ҳал қилиш учун эса қатъият ва масъулият билан ёндошиш талаб этилади. Ана шу мезонларга амал қилиб иш олиб борган депутатлар эса, албатта, амалий натижага эришиб, сайловчилар ишончини оқлайди, элу юрт олдида юзи ёруғ, халқ вакили деган номга муносиб бўлади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия лойиҳаси

Ҳунармандчилик билан ота-боболаримиз ҳамиша рўзғорига қут-барака киритган, турмушини обод, дастурхонини тўкин қилган. Истиқлол туфайли миллий ҳунармандчиликнинг барча тури янада ривож топиб, қадриятларимиз давомчилари учун кенг шароит ва имкониятлар яратилди. Соҳага оид қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳунармандлар учун улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ҳунарманд ва ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорликка оид ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Тижорат банклари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси ҳунарманд ва ёш тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

"БАНК КРЕДИТЛАРИ — ҲУНАРМАНДЛАРГА"

ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАРГА ИМТИЁЗЛИ БАНК КРЕДИТЛАРИ ОЛИШ УЧУН СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ҳамда Тошкент вилоят кенгашлари, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент вилоят бўлими ҳамкорлигидаги "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси доирасида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, коллеж битирувчилари, ҳунармандлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинар ҳунармандларнинг кўргазмаси билан очилди. Унда миллий ва замонавий услубни ўзида мужассам этган ёғоч ва ганч ўймакорлиги маҳсулотлари, миллий либослар, каштачилик, майда ҳайкалтарошлик буюмлари, турли ўйинчоқлар намойиш қилинди.

Тадбирда 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши — мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштириш борасида аниқ вазифа ва истиқболли режалар белгилаб берилган, — деди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Унда иқтисодий мустақилликни кучайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, туризм тармоғини кенгайтириш орқали иқтисодиётни янада барқарор ривожлантириш назарда тутилган. Экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур масалаларнинг амалга оширилиши янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, пировардида, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Тадбирда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги ёшлар ва хотин-қизлар учун банк хизматларидан янада кенгроқ фойдаланишни таъминлаш хусусида сўз борди.

Амалий семинарда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вилоят бўлими бошқарувчиси ўринбосари Абдулазиз Алимов оилавий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имконият ва имтиёзлар, банк тизимидаги янгиликлар, банк хизмати турлари ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, бу каби тадбирлар хотин-қизларни соҳага кенг жалб қилиш, оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли банк кредитлари ажратиш, зарур ҳуқуқий маълумот ва банк хизматларининг сўнгги янгиликларидан бохабар бўлиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу, айниқса, кредит олиб, энди иш бошлаётган ёш тадбиркор учун ғоят муҳим. Чунки мақсад ёшларга фақат кредит бериш эмас, балки уларнинг кейинги фаолиятини ҳам ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. Бугун ажратилаётган кредит ёшларнинг ҳаётда ўз йўлини топиши ва мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

Қайд этиш жоиз: 2017 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент вилоят бўлими мазкур соҳа тараққиёти учун 2 минг 236 хонадонга қарийб 22 миллиард сўмлик микросармоя ажратди.

Қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоб

руҳида ўтган семинарда тадбиркорлар ва ҳунармандларнинг таклиф ва тавсиялари ўрганилиб, партиянинг ҳамкорлар иштирокидаги тегишли вазифалари белгилаб олинди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан банк мутахассисларидан жавоб олди. Якунда вилоятнинг беш нафар ҳунармандига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Амалий семинар иштирокчиси бўлган 80 нафар ҳунарманднинг кредит олиш масаласидаги мурожаати қабул қилинди.

Абдурашид СОҲИБНАЗАРОВ,
Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вилоят бўлими бош мутахассиси:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси маҳаллий хомашёдан миллийликка уйғун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириши билан аҳамиятлидир. Бугун 5 ҳунармандга имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди. Банкнинг мазкур кредитлари, айниқса, энди иш бошлаётган ёш тадбиркорлар учун айни муддао. Чунки кредитнинг устама фоизи кам. Бу эса тадбиркорлик субъектининг оёққа туриб олиши ва иқтисодий аҳволини яхшилашига имкон беради. ЎзМТДП билан келажакда янада яқин ҳамкорлик ўрнатиш, шу йўналишдаги бошқа янги лойиҳаларни ҳам ҳаётга татбиқ этиш ниятидамиз.

Нодира АЛИМОВА,
ҳунарманд:

— Бугунги амалий семинар натижасида 15 миллион сўм миқдорида кредит олишга муваффақ бўлдим. Мен айни пайтда тикувчилик сирларини пухта ўрганиб, миллий либослар тикиш билан шуғулланяпман. ЎзМТДПнинг мазкур лойиҳаси менга ўз ишимни мустақил бошлаш, уни йўлга қўйишга қулай имконият яратади. Партия кўмагида олган имтиёзли кредит эвазига маҳалламизда тикувчилик цехини ташкил этаман, натижада тўрт нафар тенгдошим ишли бўлади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Қонун кучга кирди

ЖАЗО ТИЗИМИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

ИНСОН ҲУҚУҚИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Бугун юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва либераллаштириш барча соҳани модернизация қилиш ҳамда янгилаш сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Зеро, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш, қонун устуворлиги, унинг олдида барча фуқаролар тенглигини таъминлашда айни жиҳатлар муҳим ўрин тутади.

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан бир қатор қонун ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Масалан, жазони қўллаш амалиётида етарли даражада профилактик таъсирга эга бўлмаганлиги ҳамда шахсларнинг қайта тарбияланишига етарли таъсир кўрсатмаётгани туфайли Жиноят кодексининг 43-моддасида белгиланган жазо тизимидан қамоқ жазоси чиқариб ташланди. Маҳкум энди қамоқ жазоси ўрнига фойдали жамоат ишларини бепул бажаришга мажбурий тарзда жалб қилинади.

Қонунда мажбурий жамоат ишларини қўллаш тартиби ва муддатлари, мазкур жазо тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар тоифасига ҳам аниқлик киритилган. Яъни, мажбурий жамоат ишлари 120 соатдан 480 соатгача бўлган муддатга тайинланади, олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда бир йилгача кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади. Мажбурий жамоат ишлари фақат меҳнатга лаёқатли, вояга етмаганларга нисбатан 60 соатдан 240 соатгача бўлган муддатга тайинланиши, бу ишлар вояга етмаганларнинг соғлиғи ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги, ўқиш жараёнига таъсир қилмаслиги лозимлиги белгиланди.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мажбурий жамоат ишларини бажариш муддати олти ойда кунига икки соатдан ошмаслиги, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келганда бир йилгача кунига икки соатдан ошмаслиги керак. Мажбурий жамоат ишлари дам олиш кунлари, маҳкум ўқиш ёки асосий ишда банд бўлмаган кунлари тўрт соатдан, иш кунлари, ўқув дарслари (машғулотлар) ўтказиладиган кунлари иш, ўқишдан олдин ёки кейин икки соатдан, маҳкумнинг илтимосига кўра эса тўрт соатдан ошмаслиги лозим. Маҳкум ўтайдиган мажбурий жамоат ишларининг вақти қоида тариқасида, ҳафтасига ўн икки соатдан кам бўлмаслиги керак. Вояга етмаган маҳкум ўтайдиган мажбурий жамоат ишлари дам олиш кунлари, маҳкум ўқиш ёки асосий ишда банд бўлмаган кунлари уч соатдан, иш кунлари, ўқув дарслари (машғулотлар) ўтказиладиган кунлари эса ҳафтасига уч кундан ошмаслиги қонун билан мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар доираси ҳам аниқлаштирилди. Яъни, нафақа ёшидагилар, 16 ёшга тўлмаганлар, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, I, II гуруҳ ногиронлари, ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари ва Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тайинланмайди.

Ўзбекистон жиноят ижроия қонунчилигига киритилган қўшимчаларга мувофиқ мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Жазони ижро этиш инспекциялари маҳкум мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар ва мажбурий жамоат ишларининг турларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифига кўра белгилайди.

Мажбурий жамоат ишлари бепул, иш ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади. Бунинг учун юқори тажриба ёки мутахассисликка эга бўлиш талаб этилмайди. Маҳкумлар асосан юк ортиш-туширишда, ҳудудни тозалаш, йўл таъмирлаш ва бошқа ишларга жалб этилади. Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган ҳар тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

Бу каби ўзгартиш ва қўшимчаларни жорий этишда, энг аввало, хорижий тажриба пухта ўрганилди. Жумладан, Франция, Беларусь, Молдова ва Қозоғистон каби мамлакатлар қонунчилигида мажбурий жамоат ишлари асосий жазо сифатида тайинланиши белгиланган. Эксперт ва мутахассислар ҳам мажбурий жамоат ишлари иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага ижобий таъсир этишини таъкидлашмоқда.

Жазо тизимига киритилган мазкур ўзгартишлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни дикриминализациялаш сиёсатини давом эттириш каби мақсад-вазифаларга мос ва ҳамоҳанг. Суд-ҳуқуқ тизими, жумладан, жазони ижро этиш муассасаларида олиб борилаётган бу каби ислоҳотлар халқимизнинг кечиримлилик, бағрикенглилик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган. Энг муҳими, бу орқали озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни сақлаш тартиби ва шароитлари такомиллашади, уларда ўз тақдири ва эртанги кунига ишонч уйғотади.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Бугуннинг гапи

Кайковуснинг "Қобуснома" асарида шундай жумлалар бор: "Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билгил. Агар сен унга хоҳ адаб ўргатгил, хоҳ ўргатмагил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур. Ундоқким дебдурлар, фарзандни ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайди".

ЁТ ҒОЯЛАР — МАЪНАВИЯТИМИЗ ЗАВОЛИ

ЁХУД ЯНА БИР БОР ТЎЙЛАР ҲАҚИДА

Дарҳақиқат, балоғат ёшидаги йигит ё қизнинг бўш вақти кўпроқ тафаккурни бойитишга, бадиий дид ва савияни юксалтиришга ёрдам берадиган китоб мутолааси, яхшини ёмондан, оқни қорадан фарқлай оладиган инсонлар даврасида бўлажак суҳбатлар, уй юмушлари сингари кўплаб фойдали амаллар уларнинг маънавий-ахлоқий фазилати янада юксалишига хизмат қилади. Бордию, бунинг акси бўлса...

...Дилдора саноқли кунлардан кейин бўладиган бахт кунини орзиқиб кутаётган эди. Тўйгача қилиши зарур бўлган юмушлари кўп: "Love story" ("Севги тарихи") видеожамланмаси учун бўлажак турмуш ўртоғи билан тоққа чиқиши, базмга таклиф этиладиган меҳмонлар рўйхатини тузиши, никоҳ кечасида намойиш этиладиган давра рақси машғулотларига бориши, дугоналари учун бир хил кийим буюртма бериши керак...

ТЎЙМИ ЁКИ ДАБДАБА...

Халқимиз янги оила қуришни тўй-тантана билан нишонлайди. Кўпчиликнинг гувоҳлигида оила қурган йигит-қиз оила масъулиятини чуқурроқ англайди, унинг муқаддаслигини теран ҳис этади. Мамлакатимизда оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур.

Юртимизда намунали, соғлом, ибратли оилалар кўп. Таассуфки, маънавий негизи заиф оилалар ҳам учраб турибди...

Яқинда бир тўйга бордик. Катта ҳашам билан безатилган тўйхона "тўлиб-тошган", келин-куёв учун тайёрланган жойнинг ўзи алоҳида мавзу. Базм бошланди, хонандалар ҳали бирор қўшиқни тугатар-тугатмас, катта экранда келин-куёвларнинг "Севги тарихи" (Love story) намойиш этила бошланди: йигит ва қизнинг мавсумга қараб ҳали боғда, ҳали тоғда қўл ушлашиб юриши, дарё бўйида чопқиллаши... Баъзи даврада пичир-пичир бошланди: "Ҳали шаръий никоҳ ўқилмаган бўлса? Шундай юриш мумкин экан-да? Ота-онасининг кўзи қаёқда?"...

— Ўзбекнинг нимаси кўп — тўйи кўп: ҳовли тўйи, бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи... Афсуски, айрим тўй-ҳашам, маросим ва маъракалардаги исрофгарчиликлар чидаб бўлмас даражага етмоқда, — дейди "Оила" илмий-амалий марказининг илмий ходими Мастура Раҳмонова. — Орамизда кимўзарга тўй ўтказиб, оқибатда қарзга ботиб қолаётганлар ҳам кам эмас. Тўй-маъракалардаги дабдабабозлик — манманликдан пайдо бўлаётган иллат, исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас.

Дарҳақиқат, тўйлардаги кимўзарга берилиш каби маънавиятимизга зид "одат"ларга чек қўйиш ҳам энг долзарб масалалардан. Бир мисол. Тўй куни келин-куёвнинг рақсга тушиши бугун одатга айланиб улгурди. Шу беш дақиқалик рақсни ўрганиш учун 500 минг сўм тўланади. Ёки бундан 6-7 йил олдин битта тўйга бир оператор таклиф қилинган бўлса, бугун тўйларда айрим "бойвачча"лар бутун бошли студияларни жалб этаётгани сир эмас. Бу хизмат учун 5-6 миллион сўм атрофида харажат қилинаётир...

Никоҳ куни куёвнавкарлар ўтирган сўнгги русумдаги автомобиллар карвони шаҳар кўчаларида кимўзарга пойга қилиш ҳолатлари ҳақида ҳам турли нашрларда анча-мунча ёзилди. Аммо бу ҳолва экан, "қовун-қовундан ранг олар" деганларидек, бир-биридан ажабтовур (но)одатлар пайдо бўлаётир, гўё тўйларни "бойитмоқда". Юқорида таъкидланган "Love story" ("Севги тарихи") — келин-куёвларнинг сайр лавҳалари асосида видеороликлар ишланиши, уларнинг ижтимоий тармоқларга жойлаштирилиши... Хориж сериаллари қаҳрамонларига ҳавас қилиб велосипед ҳайдаётган келин-куёвлар...

Эътибор берилса, хориж фильмларида, клип ва мусиқаларида, реклама роликларида айнан шундай турмуш тарзи тарғиб қилинади. Тўғри, дунёда моддий манфаатдорликни ҳамма нарсадан устун қўядиган, ҳар бир дақиқани пулга чақадиган одамлар топилади. Аммо айнан шундай қарашлар устувор бўлган мамлакатлар аҳолиси ёшлар тарбиясига ўз вақтида эътибор қаратмагани жамиятни таназзулга бошлаётганидан жиддий таҳликага тушаётгани ҳам бор гап.

Деярли ҳар куни телевизор ёки Интернет сайтларида кўриб ўқиётганларимизни бир таҳлил қилиб кўринг-а. Барча нохушликларнинг асоси оилада ота ёки онанинг ўз ўрни йўқлиги, носоғлом муҳит, тарбиячиларнинг ўзи тарбияга муҳтожлигида эмасми? Бундай оилада вояга етаётган фарзанддан нимани кутиш мумкин?! Халқимиз "Қуш уясида кўрганини қилади", деган нақлни бежиз айтмаган. Баъзи ҳолларда ота-оналарнинг фарзанди кўнглига қараб, тўй маросимларини ўтказиши, уларнинг раъйига қарши бормаётганини қандай баҳолаш мумкин? Наҳотки, келиннинг ота-онаси, акаси, қариндошлари жигарбандларининг ҳамманинг кўз ўнгида тўйдан аввал куёв бола билан "севги ҳикояси" ёзишга улгурганидан уялмайди?..

Шу ўринда Биринчи Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридаги ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда, деган сўзлари ёдга тушади. Бинобарин, бугун дунё мафкуравий таҳдидлар остида қолган бир пайтда "мафкуравий рақиб"га биз ўзимизнинг миллий қадриятларимиз билан йўғрилган юксак маънавиятимиз билангина жавоб беришимиз мумкин.

Аҳамият берсангиз, дунёнинг кўплаб тилларида маънавият, муҳаббат, садоқат, вафо, ибо, ҳаё каби гўзал тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар мавжуд эмас. Бироқ "оммавий маданият" қутқусига учган айрим ёшларимизнинг бой, илдизи чуқур юксак маънавият ворислари бўла туриб бегона маданият ортидан кўр-кўрона эргашаётгани албатта, ачинарлидир.

ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН "СЕВГИ ТАРИХИ"

Ўзбек оиласи болажонлиги, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлиги, ор-номуснинг кучлилиги, ёшларга иззат, кексаларга ҳурмат каби фазилатлари билан ажралиб туради. Ўзбек оиласининг ўзига хос ички тартиб-қоидалари, ахлоқий мезонлари бор. Ота оила бошлиғи, боқувчиси ҳамда тарбиячиси, она эса оиланинг номус-ори, файзи ҳисобланади. Фарзандларга Яратганнинг марҳамати, неъмати деб қаралади. Уйдан чиқаётганда ёки бирор хайрли ишга қўл уришдан олдин аввало ота-онадан дуо олинади...

— Куни кеча қизимнинг дугонаси тўйига таклифнома олиб келди, — дейди Яшнобод туманидаги 166-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Хуршида Набиева. — Қизимнинг айтишича, тўйда келиннинг ҳамма дугонаси "келиннавкар" сифатида бир хил либосда бўлиши шарт эмиш. Аввал кулгим келди. Ахир бу дугоналар ҳали бир-бирини танимаса?! Эътироз билдиришга энди оғиз жуфтлаган эдим, қизим йигирма қизга етадиган либос учун газламани дугонаси ўз бўйнига олганини айтди. Ана, холос! Ота-она қизига сарпо қилгани етмагандек, энди келиннинг дугоналарига ҳам кийим олиши керакми? Ҳамманинг имконияти бир хил эмас, албатта. Оқила қиз ҳеч қачон ота-онасини қийнаб қўймайди. Қолаверса, "келиннавкар" деганимиз ким? Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, "замонавийлик" деган сўзнинг маъноси нимадан иборат? Бу дегани замонга, яъни шарт-шароитингга қараб яша, фикрла, қўполроқ айтганда "кўрпангга қараб оёқ узат", янаям соддароқ айтганда "ота-бобонг қилган ҳунарни қил" дегани эмасми? Тўғри, тўй — ҳар бир йигит-қизнинг умрида бир бора бўладиган шодиёна кун. Буни инкор этиб бўлмайди. Аммо бу тантанани ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймасдан, ихчам ва файзли ўтказиш ҳам мумкин-ку?..

Энг муҳими, ўзбек оиласининг ўзига хос урф-одатлари, қадриятлари меҳр-оқибат, андиша, ибо каби

тармоқларда қўйилишига кўзимиз ўрганиб қолди. Энг қизиғи, бундай суратларнинг остидаги "келиннавкар" деган ёзувга кимдир эътибор берди, кимдир эса йўқ. Аслида, куёв бўлмиш дўстлари билан келиннинг уйига келишини куёвнавкар маросими сифатида биламиз. "Навкар" сўзи ҳам эркакларга хос. Аммо келиннинг бир хил либосдаги дугоналарини "келиннавкар" дейилиши нимани англатади?..

Мақоламизни тайёрлаш жараёнида тўй маросимларини ўтказувчи, безатувчи агентликлар ва фотографлар билан тўйга тайёргарлик кўраётган мижоз сифатида суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, келин-куёвнинг давра рақси 400 минг, тўйхонани безатиш 1,5 миллион, сценарий ва у асосида базмни бошқариш нархи 3 миллион сўмдан бошланар экан. "Севги тарихи"ни сурат ҳамда видеотасвирга тушириш 3,5-4 миллион сўм атрофида... Хаёлимиздан шунча маблағ сувга оқизилмай, оила бюджети ёки янги рўзғор учун керакли буюмлар харид қилишга сарфланса нур устига нур бўлади-ку, деган сўзлар ўтди. Ёки не-не қийинчиликлар билан топилган ушбу маблағ ҳавойи нарсаларга эмас, замонавий билимларни пухта эгаллаш, ўз касбининг устаси бўлиш йўлида сарфланса, фарзанд камолига кўз тиккан ота-онанинг юзи ҳеч қачон ерга қарамаслиги шубҳасиз.

Эртанги куни, фарзандлари, набиралари келажагини ўйлаб яшайдиган ҳар бир юртдошимиз билиши зарур бўлган ўзгармас ҳақиқат бор: тарбия соҳасида бугун, шу соатда бажарилмаган, эътибор қилинмаган вазифа эртага ўзининг нохуш оқибати билан жиддий зарар етказиши мумкин. Зеро, инсон қалбида маънавиятнинг илк куртаклари, аввало, оиладаги муҳит таъсирида намоён бўлади.

— Яқинда бир танишимизнинг тўйида, базм ўрталарида келин-куёв вальсга туша бошлади, — дейди журналист Меҳринисо Қурбонова. — Устига устак келиннинг кўйлаги очиқ-сочиқлиги, давра тўрида ибо билан ўтириш ўрнига ҳадеб рақсга тушиб, ўзини кўз-кўз қилиши куёвнинг зиғирча бўлса-да эркаклик нафсониятига тегмагани ҳайрон қолдирди. Ёш-яланглар уларга суқланиб қараяпти, ёши каттароқлар мулзам. Ота-она, қайнона-қайнота ўзларини кўрмаганга олиб у ёқдан бу ёққа ўтиб турибди. Наҳотки келин оила аталмиш муқаддас қўрғоннинг илк остонасидаёқ қайнона-қайнотаси, бўлажак қариндошларидан тортинмаётган, уялмаётган бўлса?

Балки буни кимдир замонавийликка йўйиши мумкин, лекин шу ўринда бир савол туғилади: хўш, замонавийлик деганда нима тушунилади? Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, "замонавийлик" деган сўзнинг маъноси нимадан иборат? Бу дегани замонга, яъни шарт-шароитингга қараб яша, фикрла, қўполроқ айтганда "кўрпангга қараб оёқ узат", янаям соддароқ айтганда "ота-бобонг қилган ҳунарни қил" дегани эмасми? Тўғри, тўй — ҳар бир йигит-қизнинг умрида бир бора бўладиган шодиёна кун. Буни инкор этиб бўлмайди. Аммо бу тантанани ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймасдан, ихчам ва файзли ўтказиш ҳам мумкин-ку?..

Энг муҳими, ўзбек оиласининг ўзига хос урф-одатлари, қадриятлари меҳр-оқибат, андиша, ибо каби туйғуларда намоён бўлишини эсдан чиқармасак бўлди. Бугун дунёда оилавий қадриятлар билан боғлиқ рўй бераётган глобал ўзгаришлар юртимиздаги муносиб авлодни тарбиялаш ва бу борадаги тажрибани ворисларга етказишни таъминлайдиган муҳим ижтимоий институт — оила мақомига доғ тушириши керак эмас. Зеро, халқимиз бахтли оилавий ҳаётни ўткинчи ҳою-ҳавасда эмас, ўзаро ишонч, муҳаббат асосида қурилган муваффақиятли никоҳда кўради.

ЗАМОНАВИЙЛИКМИ ЁКИ ТАНАЗЗУЛ?

Куни кеча Интернетда тарқалган яна бир видео эътиборимни тортди: ҳашаматли тўйхонада бирдан чироқлар ўчирилди. Саҳнага қўшиқ куйлаганча она кириб келди. Унга келин қўшилди. Куёвболанинг кўнгли бўшроқ эканми, хурсандчиликдан ошкора йиғлай бошлади. Тўйхонада ўтирган катта-ю кичик қарсак чалиб ўтирибди...

Худди шу ҳолатни таниқли раққосанинг тўйида кўргандим. Албатта, ёшлар мулоҳаза қилишдан кўра, тақлидга мойилроқ бўлади. Айниқса, клип ва кинолардаги машҳурларга тақлид қилади. (Балки машҳурларнинг ҳам миллийлигимизни, халқимиз анъаналарини тарғиб қиладиган вақти келгандир?!)

Кейинги манзара ундан-да ўтиб тушади. Бир тўйда келин дугоналари билан хориж қўшиғига рақс туша бошлади. Куёв эса... оғзи қулоғида. Ўз дўстлари билан уларни қуршаб олган — ҳурсандчилик қилмоқда. Қани ор-номус? Қани ғурур? Бир муддат аввал куёвни "осмонга отиш" урф бўлганди. Маст-аласт куёвжўралар куёвни ерга туширворган ҳолатлар, куёвтўранинг жиддий жароҳат олиб тўйхонадан тўғри шифохонага юборилиши кўпайгач, ҳартугул камайгандек бўлди. Энди эса бошқаси кўзга ташланаётир: тўйларда келин орқасини ўгирган кўйи қўлидаги гулдастани қизлар давраси томон отади. Қизлар қий-чув қилиб, гулдастага чанг солади. Сал қолса, талашиб бир-бирининг сочини юладиган...

Бир ойча бурун "Фейсбук" тармоғида яна бир видеога кўзим тушиб қолди. Хорижда ишлаб келган йигитлардан бири уйланяпти. Сўзга чиққан маст-аласт йигит ҳар бир гапининг охирида "горько" дейди, куёв бўлмиш келинни ҳамманинг кўз ўнгида мажбурлаб ўпади. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Хайрият, келин уятчан экан: ўзини олиб қочди. Тўғри, бу ижтимоий тармоқдагилар томонидан юмшоқ қилиб айтганда оқлангани йўқ. Лекин индамасанг бошингга чиқади, деган гап бор...

Ҳа, глобаллашув ҳосиласи бўлган "оммавий маданият" дунё ёшларининг ҳаёт, борлиқ, маданият, санъатга бўлган қарашларини ўзгартириб, дунёқараш ва туйғулари қашшоқлашувига олиб келаётир. Ёшларни турли ёт ғоялар, мафкуравий хуружлардан асраш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини янада ошириш ҳам долзарб вазифалардан. Зеро, маънавиятимизга зид одатларни тарғиб этиш орқали мақсадлар қадриятларимизни ўтмаслаштириш, уларнинг ўрнига иймонсизликни жорий қилишга уринишлар замирида аслида шунчаки ўйин-кулги ва кўнгил очиш билан боғлиқ "маданият"ни олиб кириш эмас, балки каттароқ, ёвузроқ мақсадлар, миллатни ўзагидан айириб, оломонга айлантириш орқали экспансия қилиш яширинганини ҳамма ҳам, айниқса, ғўр ёшлар англаб етавермайди.

...Мақоламиз аввалида айтганимиз Дилдора "Love story" ("Севги тарихи")ни тасвирга олиш учун куёв билан тўй арафасида тоғ сайрига чиқади. Суратга тушиш жараёнида эса... Хуллас, икки навниҳол ёш бир умр ногирон бўлиб қолади. Балки катталар ғарбона (ғарибона десак ҳам янглишмаймиз) удумлар кетидан қуваётган ёшларга тўғри таълим-тарбия беришганида шу воқеа юз бермасмиди? Икки навниҳолнинг ёш умри завол бўлмасмиди?

Оила — жамиятнинг кичик бўлаги. Унинг тўкинлиги жамият фаровонлигини белгилайди. Модомики тўйлар, маърака ва маросимлар ҳаётимизнинг ажралмас қисми, миллий қиёфамизни, миллий руҳиятимизни кўрсатувчи омиллар инсоний муносабатларни белгиловчи мезон экан, уларни ўзибўларчиликка ташлаб қўйиш мумкин эмас.

Инсон ҳаётидаги барча маънавий мезон ва қарашлар оила бағрида шаклланар экан, ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқ, инсоний муносабатлар асосига қуриш айни муддаодир.

ЎЙЛАБ КЎРИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИКАН?

Биринчи Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги фармонининг имзоланиши учун ҳам жамиятда жиддий сабаблар юзага келган эди. 2012 йил "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар, туманлар бўлимлари ва барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида тўй-ҳашам, маросим ва оилавий тадбирларни мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгаши тузилди. Бироқ бу масала ҳамон кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

— Тўйларни ихчамлаштириш ҳақида ҳамиша ва ҳамма жойда гапириб келинади, тушунтириш ишлари олиб борилади, — дейди Миробод туманидаги "Янги Миробод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Орзигул Аҳмедова. — Шунга қарамай, маънавиятимизга зид "одат"лар пайдо бўляптики, улар халқимиз урф-одатларига етти ёт ғоялар таъсиридан ўзга нарса эмас. Баъзилар, айниқса, тоғора кўтаришга ишқибоз аёлларимиз, ғарбга тақлидан яшашга ҳавас қилувчи "замонавий" ёшларимиз янги-янги "одат"ларни ўйлаб топишаётгани ҳам бор гап. Ортиқча ҳашамларга берилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида маҳалладаги обрўли хонадон вакиллари, нуронийлар билан бирга аёллар ўртасида тушунтириш ишларини мунтазам олиб борамиз. Машаққат билан топилган ноз-неъматларнинг исрофи оқибатда яхшилик келтирмаслиги, шукроналик, қаноат инсонга зийнат, обрў-эътибор келтирувчи фазилат экани тўй эгаларига батафсил тушунтирилади. Бу ўз самараларини бераётир. Аммо беш қўл баравар бўлмаганидек, баъзан бир кунлик ҳою ҳавас деб оёғи ердан узилаётган, миллий қадриятларимизга беписанд қараётганлар ҳам учраб туради. Бундай оилаларга ҳам ортиқча дабдаба обрў келтирмаслигини ётиғи билан тушунтириб, топилган маблағи ҳисобидан боқувчисини йўқотган кексалар, беморлар, кам таъминланган оилаларга мурувват кўрсатиш энг катта савоб эканини етказмоқдамиз.

Таъкидлаш жоиз, жамиятимизнинг мустаҳкам қўрғони бўлган оилаларда маънавий муҳитни соғломлаштиришда, ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда аёлларнинг ўрни беқиёс.

— Тўйлардаги дабдабабозликка кўпинча аёллар бош-қош бўлиши ҳеч кимга сир эмас, — дейди филология фанлари номзоди, доцент Нодира Алавутдинова. — Аёллар бош-қош бўлиб ўтказаётган фотиҳа, нон ушатиш маросимлари, қуда-ларнинг келинга аталган "оқлик" совғалари, бунга жавобан қиз томондан куёв тарафга тоғора-тоғора пишириқлар, қимматбаҳо сарполар, "тўққиз" маросимида сандиқларда 15-20 турдаги матоҳлар, турли егулик ва бошқа совғалар юбориш ҳолатлари ортиқча ташвиш, харажат эмасми? Бунинг оқибати нима бўлади? Ундан кўра ота-боболаримизнинг, момоларимизнинг эзгу амалларини тиклайлик, қизларимизнинг шарму ҳаёсини, ахлоқ-одобини жойига қўяйлик...

Бунда ижодкорлар, зиёлилар, олим ва сиёсатчилар иштирокида таълим муассасалари, маҳаллаларда ташкил этилаётган "маънавият соатлари", учрашув ва давра суҳбатлари муҳим ўрин тутади.

Бундай иллатларнинг олдини олишда маҳаллий вакиллик органларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кўплаб ташаббусларни, назорат ишларини амалга оширмоқда. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб қолаётган нохуш ҳолатлар (тўй маросимларини ўта дабдабали қилиб ўтказиш ва исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирлар)га барҳам беришга қаратилган ишларда фаол иштирок этиш устувор вазифа сифатида белгиланган. ЎзМТДП ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари хусусан, халқ депутатлари Наманган, Самарқанд, Фарғона, Навоий вилоятлари, Тошкент шаҳри, шунингдек, Косон, Чуст, Чортоқ, Пастдарғом, Томди, Қонликўл туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббуси билан "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни тартибга солиш, ажримларнинг олдини олиш тўғрисида"ги масала сессия муҳокамасига қўйилди ва қарор қабул қилинишига эришилди. Қарорга мувофиқ тўй-ҳашамларни ихчамлаштиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, энг аввало, одамлар онгига сингдириш, бир қатор мутасадди ташкилотлар, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда исрофгарчилик, дабдабабозлик, ким ўзар ҳолатларининг олдини олиш борасида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш асосий вазифа этиб белгиланди.

...Тўй-тантана халқимизнинг асрлар оша сайқал топиб келаётган қадриятларидан бири. Унда ўзлигимиз, орзу-умидларимиз, ота-боболаримиздан қолган бой мерос намоён. Ўзбек йигит-қизларининг ҳеч қайси миллатга ўхшамас хислати борки, бу хислат бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Бу — номус! Халқимизда гул ўсса — ҳовлинг кўрки, қиз ўсса — элнинг кўрки, деган мақол бежиз айтилмаган. Эл кўрки бўла оладиган фарзанд улғайтириш эса ота-онанинг вазифаси. Шундай экан, кимнингдир дабдабаси сабаб бизга бегона "урф"-лар бора-бора оммалашиб кетмаслиги учун ёшларимизга ўткинчи ҳою ҳавасларга кўр-кўрона тақлид ноўринлигини тушунтирайлик. Бугунги мураккаб замонда ҳар бир инсон мустақил фикрга, соғлом дунёқараш ва иродага эга бўлиши, даврлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларимизга таяниб иш тутиши лозимлигини унутмайлик.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
15 (447) 2017 йил 12 апрель, чоршанба

Долзарб мавзу

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚДАГИ ДЎСТИНГИЗ КИМ?

...04.02.2017. Қирғизистон. Соат 04:00да Бишкекдаги кўп қаватли бино ёнидан 8-синф ўқувчисининг жасади топилди. Бишкек милицияси ўсмир эрта тонгда ўзини бинонинг 4-қаватидан ташлаган деган хулосага келди. Суиқасдда "Кўк кит" ўйини сабаб бўлгани маълум қилинди...

06.02.2017. Қозоғистон. 19 ёшли Галина Сибирякова "Кўк кит" таъсирида ўз жонига қасд қилди. Шу куни Шарқий Қозоғистон вилояти прокуратураси ижтимоий тармоқда шахсни ўз жонига қасд қилишга ундовчи гуруҳ топилганини тасдиқлади...

21.02.2017. Украина. Қизи Катянинг ўлим олди мактубини топиб олган она шу заҳоти Киев шаҳар полициясига мурожаат қилди. Шаҳарнинг 16 қаватли тураржой биноси томида ҳали вояга етмаган ўсмир қиз ёрдамга муҳтож ҳолда топилди. Суриштирув ишларидан маълум бўлдики, қиз ўз жонига қасд қилишга уринишдан аввал ижтимоий тармоқлардаги "ўлим гуруҳи"га аъзо бўлган, шу мавзудаги китобларни ўқиган. Гуруҳ аъзоларидан охирги топшириқни олгач, гуруҳни тарк этган...

Афсуски, бу воқеалар кино ёки узоқ давлатларда эмас, ён-атрофимизда, бизга қўшни мамлакатларда содир бўлмоқда. Юқорида келтирилган мисоллар содир бўлаётган фожеаларнинг бир қисми, холос. Маълумотларга кўра, бугунгача Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида 300 нафарга яқин ўсмир хавфли виртуал ўйинлар — "ўлим гуруҳлари" қурбонига айланган...

"БУ ҚАНДАЙ ЎЙИН БЎЛДИ?!"

Бугун "Кўк кит" виртуал ўйини ҳақида эшитмаган, Интернет ёки газета саҳифаларида у ҳақда ўқимаган, билмаган одам кам. Ҳатто "бу қандай ўйин экан", дея қизиқиш билан глобал тармоқдан излаб кўрганлар ҳам анча. Айтиш керакки, бу ўйин билан машғул бўлиш учун алоҳида дастур йўқ. Асосан, ижтимоий тармоқларда ўйналадиган бу ўйиннинг иштирокчилари — мактаб ва коллеж ёшидаги ўсмирлар ҳисобланади. Унинг "Кўк кит" деб аталишининг сабаби шундаки, кўк кит — ҳайвонлар орасида ўз жонига қасд қиладиган ягона жонивор. Бундан ташқари, китларнинг баъзи турларида бир-бирига ўхшамас ва такрорланмас жароҳатлар ўрни ва қўнғир сув ўтларидан ҳосил бўлган ранглар мавжудлиги ҳам ўйиннинг "Кўк кит" деб номланишига туртки бўлган.

Бу ўйинга киришиш олдидан ўйин маъмурлари энг аввало "18 ёшга тўлганмисиз" ёки "18 ёшдан ошганмисиз?" деган савол беради. Кўриниб турибдики, модераторлар ёшларнинг онги ва маънавий дунёси энди ривожланиб келаётганидан ғаразли мақсадларида фойдаланишни ният қилган. Ўйин маъмурлари болаларни назоратида ушлаб туриш учун топшириқни бажарган ёки бажармаганига доир суратни ўзига юборишни талаб қилади ва буйруқни бажарганларни бошқаларга "ўрнак" сифатида кўрсатади. Ўйин иштирокчиларига ҳаёт учун хатарли 50 топшириқ берилади. Улар сирасига танасига "Кўк кит" ("Синий кит") деган ёзувни тилиб ёзиш ёки юриб кетаётган машина олдидан югуриб ўтиш каби беъмани ва ўта қалтис ишларни кўрсатиш мумкин.

ЁЛҒОН ТАҲДИДГА УЧМАНГ!

Психологларнинг фикрича, бундай хатарли тармоқ ўйинларининг "манқурти"га айланаётган ёшларнинг аксарияти ижтимоий носоғлом муҳитда яшаётган болалар ҳисобланади. Мутахассислар "ўлим гуруҳлари"нинг домига тушган болаларнинг дўстлари ва дугоналарига қўшилмай қўйиши, кўпроқ ёлғиз юриши ёки аввал таниш бўлмаган мутлақо бегона шахслар билан алоқада бўлиши, оилада ҳам ўзини бегона каби четга тортиб, асосий вақтини Интернет "ичида" ўтказиши ёки қаердалигини изоҳламаган ҳолда узоқ вақт йўқ бўлиб кетадиган одатлар пайдо бўлишини қайд этмоқдалар.

Таъкидлаш жоиз, "ўлим гуруҳлари" ортида турган манфур кимсалар ёш болалар эмас, балки жуда айёр ва пихини ёрган "психолог"лар экани бот-бот таъкидланмоқда. Шунинг учун ҳам улар иштирокчиларга руҳий босим ўтказишнинг турли усулларидан фойдаланмоқда. Масалан, қизларга унинг семиз экани ёки ўғил болаларга озғин эканини айтиб, ҳаётдан совутмоқчи бўлади. Ёки ҳаётнинг оғирлиги-ю яшашнинг қийин экани, бу жамиятда болаларнинг ҳеч кимга керак эмаслиги борасида турли "суҳбатлар" ўтказилади. Мабодо иштирокчилар унинг сўнгги асосий шартини бажаришдан бош тортса, "сен фалончисан, фалон манзилда яшайсан, агар шартни бажармасанг, ота-онангни ўлдирамиз, уканг боғчадан қайтмайди" каби қўрқинчли ва ақлбовар қилмас пўписалар юборилган ҳолатлар учрамоқда. Виртуал ўйин иштирокчиси бўлган бир ўсмирнинг сўзларига кўра, гуруҳ маъмурлари унга "ота-онанг ва сен Худонинг олдида гуноҳкор, агар сен шартни бажарсанг, улар гуноҳдан қутилиб қолади. Наҳотки уларни яхши кўрмасанг?!" мазмунида хабар юборган. Бу хабарни олгач ўспирин, табиийки, талвасага тушади ва улар мени кузатишмоқда, деб ўйлайди. Яқинларини ҳимоя қилиш учун эса ўз жонига қасд қилишгача боради...

Шу ўринда савол туғилади: агар мазкур ўйинлар домига илинган болалар сўнгги шартни бажармаса нима бўлади? Уларнинг таҳдиди қанчалик рост? Экспертларнинг фикрича, асосан, хорижда туриб "фаолият кўрсатаётган" бу гуруҳ маъмурларининг пўписалари қуруқ таҳдиддан ўзга нарса эмас. Улар иштирокчи ҳақида ўзи берган маълумотлардан бошқасини билмайди ва бевосита ҳеч қандай зарар етказа олмайди. Энг муҳими, шундай "топшириқ" олаётган ўсмирлар бир нарсани ўйлаб кўрмайди: агар ўз жонига қасд қилиш билан одам ўз ҳаётини гўёки ўзгартирар экан, нега шу топшириқни бераётганлар ҳануз тирик юрибди? Нима учун уларнинг ўзи баланд бинодан сакрамаяпти?

Албатта, ҳали онги ва дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ўсмирнинг онги заҳарланмаслиги, ахборот маконидан фақат ўзи учун зарур ва фойдали нарсани олиши учун унга катталар ёрдам бериши, тўғри йўл кўрсатиши керак.

"КЎК КИТ" — ЯГОНА ХАВФ ЭМАС

Яқинда оммавий ахборот воситаларида "В контакте" тармоғидаги "Кўк кит" ўйини тақиқланган ҳақида хабарлар тарқалди. Бироқ бу хотиржам тортиш учун сабаб бўла олмайди. Чунки бу ўйин "Инстаграмм" ва "Телеграмм" каби бошқа ижтимоий тармоқлар орқали ҳам кенг тарқалмоқда.

Бундан ташқари, виртуал ўйинлар орасида "ўлим гуруҳлари" ягона эмас. "Кўк кит"дан ташқари, "F57", "WinX", "Югурасан ёки ўласан" каби ўйинлар ҳам борки, улар келажак эгаларининг ҳаёти ва соғлиғини жиддий хавф остига қўймоқда. Масалан, "WinX" — (Қандай қилиб Винксдан келган оловли "фея" бўлиш мумкин?) ўйини қатор мамлакатларда тобора оммалашмоқда. Ўйин қоидаси оддий: болалар ва ўсмирларнинг телефонига машҳур "Винкс клуби" мультфильми қаҳрамонининг расми келади ва уларга сеҳрли равишда "фея"га айланиш таклиф этилади. Бунинг учун ота-оналардан яширинча уйдаги газни очиқ қолдириш талаб қилинади.

Бундан ташқари, "Югурасан ёки ўласан" ўйини ҳам МДҲ давлатларида тезда оммалашиб кетди. Ҳатто пойтахтимизда ҳам энг қалтис вазиятларда йўлларни кесиб ўтишга шайланаётган ўсмирлар ҳақида хабарлар тарқалди. Бу ўйиннинг асосий шарти — энг серқатнов йўлларни машиналар ўтаётган пайтда кесиб ўтиш ва бу ҳолатни тасвирга олишдан иборат. Мазкур ўйиннинг домига битта ўсмир тушиб қолса ҳам бу барчамизни жиддий мушоҳадага чорлайди...

ХУЛОСА ЎРНИДА

Дарҳақиқат, замонавий ахборот технологиялари фойдали жиҳатлари билан бирга ёт ғояларни тарғиб қилиш, зўравонлик, экстремизм сингари салбий таъсирларни оммалаштириш воситаси сифатида ёш авлод тарбиясига жиддий таҳдид солаётгани бор гап. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Гаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда", дея таъкидлаган эди. Шу маънода, навқирон авлод вакилларини бу каби хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётир. Хўш, фарзандларимизни бу каби ғаразли ўйинлар домидан сақлаш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

Бизнингча, ота-оналар вояга етмаган фарзандларининг ёшидан келиб чиқиб, Интернет тармоғида уларни ҳимоя қилиши, юзага келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавфларнинг олдини олиши зарур. Бунда ана шундай хавфлардан асраш учун ота-она фарзандининг смартфон ва планшетда қандай ўйинлар ўйнаётганини, ижтимоий тармоқларда ким билан мулоқот қилаётганидан хабардор бўлиб туриши талаб этилади. Шунингдек, болани турли спорт машғулотлари, фан тўгараклари, мусиқа дарсларига имкон қадар кўпроқ жалб этиш ҳам жуда муҳим. Қолаверса, маънавий дунёқарашни бойитиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш масаласи доимо диққат марказимизда бўлиши бундай хавф-хатарларнинг олди олинишида яхши самара бериши шубҳасиз.

Сўнгги пайтларда китобхонлик, китоб мутолаасини оммалаштириш ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу — бежиз эмас. Чунки ёшларни турли зарарли машғулотлардан асрашнинг энг муҳим шарти ҳам уни китобга қизиқтириш, ошно қилиш. Қўлида смартфон ёки планшет эмас, китоб тутган боланинг дунёқараши кенг, тафаккури юксак бўлади, турли ўйинлар алдовига учмайди. Бу эса, энг аввало, ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла-кўй, қўйингки, барчамиздан фарзандларимизга янада эътиборли ва талабчан бўлишни тақозо этади. Зеро, фақаттина гўзал тарбия, соғлом муҳит ва юксак маънавиятгина фарзандларимизни ҳар қандай хавф-хатардан асрай олади.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий ғурур

ШАҲДИ БАЛАНД ДИЛНОЗА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Навоий вилоятидаги Учқудуқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дилноза Камолова ҳам спортда эришган улкан ютуқлари туфайли Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 мартдаги қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

...Учқудуқлик Самариддин Камолов қизини Учқудуқ туманидаги "Лочин" спорт мажмуасига олиб келганида, Дилноза кичкина қизалоқ эди. У дзюдо, самбо билан шуғуллана бошлади. Аввал туман, вилоят, сўнг мамлакат миқёсидаги мусобақаларда совриндор бўлди. 2012 йилда дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. Кейинчалик дзюдо, самбо, миллий кураш турларида 13 карра мамлакат чемпиони бўлди. Қитъа чемпионатларида муваффақиятли иштирок этди. 2015-2016 йилларда кураш ва дзюдо бўйича спорт устаси, дзюдо бўйича мамлакат терма жамоаси аъзосига айланди.

— Дилноза болалигиданоқ босиқлиги, эпчиллиги, ўз олдига қўйган мақсади сари дадил интилиши билан менда кучли таассурот қолдирган. Унинг тинимсиз меҳнати ва изланиши бугун ўз мевасини бермоқда, — дейди мураббий Алишер Шодмонов. — 2015 йилда шогирдим Ирода Жуманова Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлганди. Ўшанда Дилнозага "энди навбат сеники", деган эдим. Ниятимиз холис экан, Дилноза ҳам ана шундай мукофотга сазовор бўлди. Бу ҳар бир мураббий учун катта ютуқдир.

— Боланинг истеъдодини эрта аниқлаш унинг келажакда ҳаётдан ўз ўрнини топишида муҳим аҳамиятга эга, — дейди Учқудуқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари Мубина Камолова. — Дилноза нафақат спортчи, балки адабиёт, шеърият ихлосманди ҳам. У мушоира ва адабий кечаларда ўз ифодали ўқиши билан фаол иштирок этади. Таълим масканимизда ана шундай истеъдодли ёшлар тарбияланаётганидан фахрланамиз.

Дарҳақиқат, шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда, соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Айни пайтда Дилнозанинг укаси ҳам спорт билан мунтазам шуғулланяпти.

— Мамлакатимизда ёшлар камолотига қаратилаётган алоҳида эътибор бизни юксак марраларга ундайди, — дейди Дилноза. — Мен спортнинг дзюдо тури билан мунтазам шуғулланиб, қатор ютуқларга эришдим. Гиламга ғурур ва ор учун, менга билдирилган ишончни оқлаш учун тушаман. Олис туманда яшайдиган оддий бир спортчи қизнинг Президентимизнинг қўлларидан Зулфия номидаги Давлат мукофотини олиши ҳар қандай кишини тўлқинлантириб юборади. Бу ҳаётимдаги энг унутилмас кун, эришган ғалабаларимнинг энг қувончлиси бўлди. Бундай юксак рағбатга доим муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Орзуим — Олимпия ўйинлари шоҳсупасига кўтарилиш.

Спортда катта ютуқларни қўлга киритаётган Дилноза келажакда янада улкан муваффақиятларга эришишни мақсад қилган. У ўзи каби спортга ихлосманд қизлар сафини кенгайтириш, малакали мураббийлар кўмагида аёллар спортининг янада ривожланишига ҳисса қўшиш, айниқса, қизлар учун махсус спорт мажмуалари фаолиятини қўллаб-қувватлашни орзу қилади.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Пайшанба — профилактика куни

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШ САМАРА БЕРАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг пайшанбаси мамлакатимизда профилактика куни сифатида белгиланди. Шунга мувофиқ, Тошкент шаҳри маҳаллалари, таълим муассасаларида ҳам ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳудудларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли профилактика тадбирларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Биргина шу йилнинг март ойида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси соҳавий хизматлари жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни фош этиш ҳамда жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва профилактикаси борасида амалга оширган ишлар натижасида 116 жиноят фош этилган, 500 дан ортиқ қидирувда бўлган шахс қўлга олинган.

Бу жараёнда, айниқса, профилактика инспекторларининг маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорлиги муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғинида профилактика тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Тўрт мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада тинчлик-осойишталикни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, қолаверса, одамларнинг турмуш шароити билан яқиндан танишишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишлари самарали йўлга қўйилган жойда нохуш ҳолатлар албатта барҳам топади. Ўтказилаётган тадбирларда таълим масканларидаги давомат, оилалардаги келишмовчиликлар ва бошқа масалалар чуқур таҳлил этилмоқда. Амалий мулоқотларда муаммолар ижобий ҳал этилаётир.

Профилактика инспекторлари маҳалла посбонларини жалб қилган ҳолда март ойининг ўзида ҳудуддаги 350 дан ортиқ турар-жойни ўрганган, қатор қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаган. Хусусан, 120 дан ортиқ фуқарога доимий ёки вақтинча яшаш тартибини бузганлиги учун тегишли чоралар кўрилган. Бу каби ҳолатларга яна йўл қўймаслик юзасидан мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Эътиборлиси, профилактика кунлари ташкил этилгандан буён маҳалла ҳудудида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кескин камайган.

— Профилактика тадбирларига тегишли ташкилотлар билан бирга маҳалла фаолларининг ҳам кенг жалб этилаётгани ўз самарасини бермоқда, — дейди профилактика инспектори, лейтенант Зайниддин Умаров. — Чунки бу ҳар бир фуқаро, маҳалла, жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ ўта муҳим масала. Ҳар бир одам "уйим-жойим тинч бўлсин", дейди. Маҳалла тинчлиги учун қўлидан келганча ҳаракат қилади. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Шу боис жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этяпмиз. Бу орқали одамларимиз онгида фарзандини, ўз уйини, маҳалласини асраш, уни ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш туйғуси янада мустаҳкамланаётир. Хавфсизликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли "Тозалаш" тадбири уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Тадбир давомида аниқланаётган ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётир.

— Ҳар бир маҳаллага алоқадор масала ўша маҳаллада кўриб чиқилиши керак, — дейди "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Ҳалима Иминова. — Ана шунда профилактик тадбирдан кутилган натижага эришиш мумкин. Чунки Президентимиз ҳар бир ишимиздан фақат ижобий натижа кутмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтказилаётган профилактика тадбирлари натижасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари кескин камаймоқда. Бундай тадбир ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар келиб чиқиши билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш, мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда ички ишлар идоралари ходимлари, педагоглар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Аҳмад МЕНГЛИМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ММММда

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ВА КЕЛИШУВЛАРИ

ХОДИМЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши "Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилларидан бири" мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда Федерация кенгашининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоялаш бўлими бошлиғи Маҳмуд Исаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Республика Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2017—2019 йиллар учун бош келишув асосида республикада 95 тармоқ, 14 ҳудудий келишув, бевосита корхона, ташкилотларда эса 158 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилаётганини таъкидлади.

Бугун жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари ҳал этилмоқда. Жамоа шартномалари ва келишувларига ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш, устама, қўшимча тўлов ва компенсацияларни ўрнатиш бўйича аниқ меъёрлар киритилмоқда.

Аксарият корхона ва ташкилотлар жамоа шартномаларида иш стажи, иш ва дам олиш вақти ҳисобга олинган ҳолда асосий узайтирилган ва қўшимча таътиллар бериш тартиби жорий этилган. Бунинг натижасида ҳар йили икки миллион нафардан зиёд ходим асосий узайтирилган, уч миллион нафарга яқин ходим эса йиллик қўшимча таътиллардан фойдаланмоқда.

Таҳлилларга кўра амалдаги жамоа шартномаларининг деярли 70 фоизига иш берувчи ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор килишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш зарурлиги тўғрисидаги банд киритилган. Бу эса ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда қўл келмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Бизнинг шарҳ

ШАМОЛ — ЭНГ ҚАДИМГИ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бугунги даврда электр энергиясига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, муқобил энергия манбаларини излаб топиш ва ривожлантиришни тақозо этади. Бугун айрим мамлакатларда шамол — электр энергиясининг асосий манбаига айланиб бораётгани сир эмас. Чунки у қазиб олинадиган ёқилғидан фарқли ўлароқ тугамайди, қолаверса, экологик безарар.

Иссиқлик электр станцияларида фойдаланилаётган кўмир, мазут, газ, сланец ресурслари, биринчидан, қайта тикланмайди. Иккинчидан, уларнинг тахминан ярмини ўзлаштириш имкони бор, қолган қисми ер қаърида қолиб кетади. Бундай омиллар, ўз-ўзидан, муқобил энергия манбалари, хусусан, шамол энергиясига бўлган талабни янада оширмоқда.

Манбаларда келтирилишича, шамол тегирмони эрамиздан аввалги II асрда минтақамизда дон янчиш мақсадида илк марта қўлланилган. XIII асрга келиб Шарқ мамлакатларидан Европага тарқалади. XVI асрда қатор шаҳарларда гидродвигатель ва шамол тегирмонларига асосланган сув-насос станциялари қурила бошланган. Европанинг қурғоқчил ҳудудларида шамол тегирмонидан экин майдонларини суғоришда фойдаланилган.

Электр ишлаб чиқарадиган илк шамол тегирмони XIX асрда Данияда ихтиро қилинди. 1890 йилда мазкур мамлакатда илк шамол электр станцияси барпо этилди. Шамол энергиясига бўлган талаб ўтган асрнинг 70-йилларида, хусусан, 1973 йилги нефть инқирозидан кейин кучайди. Чернобиль АЭСида юз берган ҳалокатдан сўнг муқобил энергия манбаларига бўлган талаб янада ошди.

ИХТИРОЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шамол энергиясининг асосий манбаи — қуёш. У сайёрамизни заррин нурлари билан қиздириши натижасида Ер атмосферасида турли ҳаво босими майдонлари ҳосил бўлади. Ҳаво босими юқори ҳудуддан нисбатан паст босимли майдонга кўчиб ўтиши натижасида кенг миқёсли ҳаво оқими — шамол юзага келади. У ҳавонинг сониясига 0,6 метр тезлик билан ҳаракатланишидан ҳосил бўлади. Шамолдан энергия олиш учун унинг тезлиги сониясига 5-6 метрдан кам бўлмаслиги керак. Шундагина шамол генераторлари энергия ишлаб чиқара олади. Шамол сониясига 14-17 метр тезлик билан эсганда генераторлар янада самарали ишлайди. Текисликда бундай тезликдаги шамол ҳамма вақт кузатилмайди. Шу боис варраклар камида ўн метр баландликдаги миноралар устига ўрнатилади. Соҳил бўйи ҳудудлари шамол энергиясини ишлаб чиқариш учун энг қулай жой саналади. Шамол генератори минораси 30 метр ер қаърида ўрнатилган устунларга бириктирилади.

Замонавий шамол двигателлари асосан айлана ва қанотсифат шаклда ясалади. Тик ҳолатда айланадиган қанотсифат шамол двигателлари қадимий тегирмонларни эслатади. Улардан фарқли жиҳати — варраклари бироз калтароқ бўлади. Қадимда шамол кучидан унумли фойдаланиш, секин айланадиган тегирмондан кўпроқ қувват олиш мақсадида кўп қанотли варраклар ўрнатилган. Уларнинг қанотлари қанча кўп бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади, деган қараш аслида нотўғри. Чунки тўрт қанот иккитасидан ҳеч қачон икки баравар самарали бўла олмайди. Самарадорлик аслида варрак қанотлари сонига эмас, балки аэродинамик кўрсаткичларга боғлиқ. Қурилма кучини асосан, варракларнинг қай даражада узунлиги белгилайди. Варраклар узунлиги 60 метр, баъзан ундан ҳам ошади. Карусель (айлана) шаклидаги кўндаланг ҳолатда айланадиган генераторларнинг ҳаракати шамол йўналишига боғлиқ бўлмайди. Улар қанотсифат варраклардан фарқли равишда, ҳатто, у қадар кучли бўлмаган шамолда ҳам ишлаб кета олиши билан ажралиб туради.

Қолаверса, шамол генераторларининг кучи унинг ердан қанчалик баландда жойлашганига ҳам боғлиқ. Мисол учун, "Vestas" фирмаси ишлаб чиқараётган шамол генераторларининг умумий баландлиги — 115, диаметри — 90 метр. 2002 йилда "Enercon" компанияси 4,5 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга шамол генераторининг янги авлодини тақдим этди. 2004 йилгача, яъни "REpower Systems" компанияси 5 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга шамол генераторини ишга туширгунга қадар у дунёдаги энг йирик шамол генератори ҳисобланган. 2014 йил Даниянинг "Vestas" компанияси 8 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга "V-164" шамол генераторини ишлаб чиқиб, синовдан ўтказди. Бу бугун дунёдаги энг кучли шамол генератори саналади.

2014 йилда дунёдаги барча шамол генератори ишлаб чиқарган электр энергиянинг қуввати 706 тераватт-соат (ишлаб чиқарилган барча энергиянинг 3 фоизи)га етди. Германия 2025 йилда мамлакатдаги электр энергиясининг 40-45 фоизини шамол генераторлари воситасида ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда. У 2007 йилдаёқ электр энергиясининг 12 фоизини шамол воситасида олишга эришган эди. Дания эса 2020 йилгача мамлакатнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг 50 фоизини шамол электр станцияси ҳисобига қоплашни режалаштирмоқда.

2014 йилда Португалияда электр энергиясининг 27, Никарагуада 21, Испанияда 20, Ирландияда 19, Европа Иттифоқи давлатларида 7,5 фоизини айнан шамол генераторлари таъминлаган. 2015 йилда Данияда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг 42 фоизи шамол электр станциялари ҳиссасига тўғри келди. 2015 йил якунларига кўра, дунё бўйича 1 миллиондан зиёд одам (уларнинг 500 минг нафари Хитойда, 138 минг нафари Германияда) шамол энергетикаси тармоғида меҳнат қилмоқда.

ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИ

Шамол генератори ҳамма вақт ва ҳамма жойда ҳам самара беравермайди. Чунки унинг ҳаракати фақат ўзига эмас, шамолга ҳам боғлиқ. Шамол эса гоҳ эсса, гоҳ эсмайди. Боз устига у баъзан кучли, баъзан секин ёки маълум муддат узилишлар билан ҳаракатланади. Яъни генератор электор токини мунтазам, бир хил меъёрда ҳосил қилмаслиги мумкин.

Агар шамол генератори бирор-бир объектни электр токи билан таъминлаётган бўлса, бундай ҳолатда уни бутун бошли аппаратуралар мажмуи билан жиҳозлаш талаб этилади. Биринчидан, электротехника воситаси — инвертор зарур. У олинган энергияни саноат миқёсида фойдаланиладиган сифатли токка айлантириб беради. Иккинчидан, кучни бир меъёрга келтирадиган аккумулятор батареялари керак. Учинчидан, узоқ муддатли шамолсиз кунлар бўлишини ҳисобга олиб, заҳира дизель-генераторга эҳтиёж туғилади. Бундай механизмлар мажмуасидан фойдаланиш энергия таннархини 2-3 бараварга ошириб юборади. Шу боис энг мақбул ечим — шамол генераторларини ягона энергия тизимига улаш. Ана шунда бир шамол генераторидаги энергия тақчиллиги бошқасининг ҳисобига қопланади.

Яна бир муаммо — кучининг камлиги. Саноат миқёсида фойдаланиладиган шамол генераторининг ўртача электр ишлаб чиқариш қуввати 1 мегаваттни ташкил этади. Бир квадрат километр майдонда эса ўнта ана шундай қурилмаларни ўрнатиш зарур. Ўшанда улар бир-бирининг ишлашига халал бермайди.

Шамол генераторининг яна бир камчилиги у ҳаракатланаётган пайтда ўзидан кучли овоз чиқаради. Катта қувватга эга шамол генераторининг шундоқ ёнгинасида шовқин даражаси 100 децибелга етади. Бу метро бекати томон иккита поезднинг бир вақтда ҳаракатланиб келаётганида чиқадиган шовқин даражасига тенг дегани. Ундан сал нарида эса шовқин даражаси 60 децибелга етади. Бу тахминан катта шаҳар кўчаларидаги шовқин даражасига тенг.

Шовқин даражасини 35-45 децибелга

туширишмақсадида аксарият мамлакатлар қонунчилигида шамол генераторларини аҳоли яшаш манзилгоҳларидан камида 300 метр узоқликда қуриш белгиланган. Шамол генераторларининг аҳоли яшайдиган пунктлар яқинида жойлашиши фақат шовқин билан боғлиқ муаммони юзага келтирмаслиги 1986 йилда Шотландиянинг Оркней ороллари шамол генераторлари ўрнатилганидан сўнг маълум бўлди. Гап шундаки, маҳаллий аҳоли вакиллари шамол тегирмонлари уларнинг телевизор кўришларига ҳалақит бераётганидан шикоят қилган. Ўрганишлар натижасида шамол генераторлари телевизион тўлқинларга зарар етказиши ойдинлашди. Шу боис оролда қўшимча телевизион ретранслятор ўрнатишга тўғри келди.

Шамол генераторининг яна бир салбий жиҳати — тебранишни юзага келтиради. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, АҚШнинг Бун шаҳрида 1980 йилда 2 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга шамол электр станцияси қурилгач, шаҳар аҳолиси хонадонларида жойлашган шкафлардаги идиш-товоқларнинг шиқирлаши ҳамда гул тувакларнинг ағанаб тушаётганидан шикоят қилади. Ана шундан сўнг шамол генератори инсон қулоғи илғамайдиган, соғлиқ учун зарарли 6-7 герц частотали инфраовоз чиқариши ҳам маълум бўлди. Фақат тегирмон "қанот"ларини такомиллаштириш ҳисобига мазкур муаммони тўлиқ бартараф этишнинг уддасидан чиқилди.

Гарчи махсус кўтариш воситаларидан фойдаланилса-да, шамол электр станцияларини таъмирлаш, баъзан юзлаб тонна келадиган генераторни ўн метр ва ундан ҳам баланд минорага ўрнатиш осон иш эмас. Чақмоқ чақиши таъсирида унда ёнғин келиб чиқиш хавфини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Шунга қарамай, энергия ресурсларига талаб ошиб бораётган бугунги кунда жаҳонда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, улардан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Гап фақат нефт ёки бошқа энергия манбалари таннархига боғлиқ эмас. Бунга БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Конвенцияси ҳамда Киото баённомасининг қабул қилингани ҳам туртки бўлаётир. Маълумки, шамол электр станциялари иссиқлик электр станцияларидан фарқли равишда атмосферага карбонат ангидрид чиқармайди. Шу боис глобал исишга таъсир кўрсатмайди. Қолаверса, шамол генераторларининг ишлаши учун ёқилғи талаб этилмайди. Бир мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга шамол генераторларидан фойдаланиш воситасида йигирма йил ичида тахминан 29 минг тонна кўмир ёки 92 минг баррель нефтни тежаш мумкин. Бир мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга шамол генератори йилига 1,8 минг тонна карбонат ангидрид, 9 тонна олтингугурт, 4 тонна азот оксидининг атмосферага чиқарилишининг олдини олади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИКАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугунги кунда шамол энергиясидан фойдаланиш муқобил энергетиканинг рақобатбардош турларидан биридир. Ўзбекистонда шамол энергиясининг техник потенциали анча юқори: 10 метр баландликда ҳам шамол эсади. Агар шамол ресурслари аниқ ва тўлиқ ўрганилса, унинг қуввати 20-30 миллиард киловаттдан ошади. Масалан, Бекобод ва Қўқон шамолининг кучи сониясига 6-12 метрга етади.

Шамол доимий эсиб турадиган ҳудудлар, тоғ дарёлари, ривожланган ирригацион канал тармоқлари, гидротехник объектларнинг сув ўтказиш ва сувни қабул қилиш иншоотларидан фойдаланиб, электр энергияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконияти мавжуд. Шу боис, Самарқанд вилоятида 50 мегаватт қувватли шамол электр станцияси қурилиши режалаштирилган.

Ўтган йили пойтахтимизда Ўзбекистонда шамол энергетикаси салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уни ривожлантиришга бағишланган иккинчи миллий конференция бўлиб ўтди. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти қатор хорижий компаниялар билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда мамлакатимизда шамол энергетикаси салоҳиятини аниқлаш ҳамда уни ривожлантириш масалалари, хорижий экспертлар ҳамкорлигида бу борада олиб борилган изланишлар кенг муҳокама этилди.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунда соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, 2013 йил 1 мартда қабул қилинган "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонига мувофиқ, юқори техникавий ҳамда илмий изланишлар давом эттирилиб, хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари амалиётга кенг жорий қилинмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиб, аҳоли ижтимоий ҳаётининг яхшиланиб бориши энергетика ресурсларига бўлган талабни янада ошириши табиий. Мутахассисларнинг фикрича, ишлаб чиқариш кучларининг имкониятларини янада ошириш мумкин. Бунда шамоллар атласи қўл келади. 2015 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистонда шамол энергетикаси салоҳиятини ривожлантириш бўйича биринчи миллий конференцияда мамлакатимизнинг шамол энергияси атласи тақдим қилинган эди. Махсус моделлаштирувчи компьютер дастурлари ёрдамида ишлаб чиқилган ушбу харита асосида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси истиқболли ҳудуд сифатида белгиланиб, унинг жанубида шамол энергияси салоҳиятини аниқлаш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилди. Ҳар иккала ҳудудда шамол тезлиги ҳамда йўналишини, ҳавонинг зичлиги ва ҳароратини ўлчайдиган асбоб-ускуналар ўрнатилиб, баландлиги 85 метрли метеорологик минора (мачта)лар тикланди. Мазкур ўлчов ускуналари ёрдамида шамол генераторининг энг оптимал бирлик қувватини аниқлаш ҳамда электр энергия ишлаб чиқариш салоҳияти ўрганилмоқда.

Ўрганишлар натижасида шамол воситасида Нукус ҳудудида бир йилда 326 миллион киловатт-соат, Зарафшонда эса 358 миллион киловатт-соат электр энергиси ишлаб чиқариш имконияти мавжудлиги аниқланди. Мамлакатимизда табиат инъом этган неъмат — иқлим, об-ҳаво, шамол ёрдамида электр энергиясини олиш имконияти юқори бўлиб, бу борада олиб борилаётган изланиш ва тадқиқотларни сон ва сифат жиҳатдан ошириш, камхарж ва экологияга зиён етказмайдиган инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш устувор вазифа ҳисобланади. Муқобил энергия манбаларини ўзлаштириш юртимиз табиий ресурсларини келгуси авлод учун асраб қолган ҳолда, энергетикани барқарор ривожлантириш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтганда, энергия ресурсларига талаб ошиб бораётган бугунги кунда қайта тикланадиган энергиялар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса муқобил энергия манбалари — шамол ва қуёш қувватидан унумли фойдаланиш, уларга асосланган станцияларни кўпроқ қуришни назарда тутади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

КЎҲНА ЭҲРОМ ХАРОБАЛАРИ ТОПИЛДИ

Қоҳира шаҳридан 40 километр узоқликда — Дахшур туманида қазилма ишларини олиб борган мисрлик қадимшунослар фиръавнларнинг ўн учинчи сулоласи даври (эрамиздан аввали XVII аср) га оид қадимий Миср эҳромларини топди. Бу ҳақда РАТА-ТАСС хабар тарқатган.

Мутахассислар топилган мажмуа яхши ҳолатда сақланганини айтишмоқда. Эҳромнинг пастга йўналган зинали кириш қисми қумдан тозалаб олинди.

"Ҳали қилинажак ишлар талай, — дейди Дахшурдаги музей мажмуаси раҳбари Одил Окаша. — Қадимшунослар эҳромнинг бошқа қисмларини ҳам излашмоқда".

Бундан ташқари, алебастрдан ясалган 17 х 15 сантиметрли жадвал ҳам топилган. Қадимшунослар унда битилган иероглифларда эҳром тарихи ва уни қурдирган инсон ҳақида маълумот берилган бўлиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.

Эрамиздан аввалги 1794-1645 йилларда ҳукмронлик қилган фиръавнларнинг ўн учинчи сулоласи ҳақида кам маълумот етиб келган. Тарихий маълумотларда қайд этилишича, бу сулола вакилларининг келиб чиқиши фивалик бўлган. Улар ҳукмронлиги даврида қадимги Иттауи шаҳри (ҳозирги Ал-Файюм шаҳри яқинида) давлат пойтахти ҳисобланган.

ЭНГ ЙИРИК САМОЛЁТ-АМФИБИЯ

Хитойлик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган дунёдаги энг йирик AG 600 самолёт-амфибия ўзининг илк синов парвозини шу йил май ойида амалга ошириши мумкин, дея хабар тарқатган РАТА-ТАСС.

Маълумотларга кўра, биринчи парвоз ер устида ўтказилади. Йилнинг иккинчи ярмида эса AG 600 сув юзасида синаб кўрилади.

"Биз самолётнинг электр таъминоти, борт, бошқарув тизими ва гидравлика билан боғлиқ синовларини якунладик. Шу ой охирида тебраниш бўйича синовларни бошлаймиз ва улар тахминан 20 кун давом этади. Шундан сўнг парвозни амалга ошириш санаси самолёт ва учувчиларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлиб қолади", — дейди қурилма бош конструктори ўринбосари Ван Чжэнлун.

Эслатиб ўтамиз, Хитой авиасозлик корпорацияси (AVIC) томонидан яратилган AG 600 сув самолёти ўрмон ёнғинларига қарши кураш ва қутқарув операциялари учун мўлжалланган.

ҒОРДА ЯШАЙДИГАН БАЛИҚ ТОПИЛДИ

Олимлар Германия жанубидаги ер ости ғори сувида яшовчи Барбатула турига мансуб янги балиқ турини аниқлашди. Бу ҳақда "lenta.ru" хабар тарқатган.

Балиқ асосан одам ва сув ҳавзаси ҳайвонлари етиб бориши қийин бўлган ғорда яшайди. Мўйловдор балиқ яшайдиган ғорнинг ёши 20 минг йил деб баҳоланмоқда.

Олимларнинг тахмин қилишича, музлик даври чекинганидан кейин ғор балиқ яшаши учун қулай жойга айланган. Уларнинг тадрижий ривожланиши ҳамон давом этмоқда. Топилган сув жонивори бошқа балиқлардан кўзларининг кичиклиги, узун мўйловлари ва йирик бурун тешиклари билан фарқланади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Туризм

ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА РИВОЖИДА

ЁШЛАР ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИ

Яқинда Буюк Британиянинг нуфузли "The Telegraph" нашрида Хива шаҳри Париж, Венеция, Прага, Лондон, Санкт-Петербург, Киото каби дунёнинг энг муаззам шаҳарлари қаторида эътироф этилди. Нашрда ёзилишича, Хива Ўзбекистондаги хорижий сайёҳларни ўзига энг кўп жалб қилувчи қадимий шаҳарлардан биридир. "The Telegraph" мухбири кейинги йилларда бу шаҳар янада гўзаллашаётгани, унинг миноралари тонг ва шом маҳалида ўзига хос жилоланишини алоҳида таъкидлаб, нашр ўқувчиларига Хоразмга саёҳатга боришни тавсия қилган. Зеро, минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал.



Германиянинг "Spiegel" ("Кўзгу") журналининг шу йил март сони иловасида эса Ўзбекистоннинг сайёҳлик масканлари ҳақида махсус ахборотлар туркуми чоп этилди. "Ўзбекистон: мўъжизали Ипак йўли" сарлавҳали тўпламда шундай сатрларни ўқиш мумкин: "Хива — ноёб сарой ва масжидлар, мадраса ва бозорларга эга бўлган бетакрор шаҳар. Тош ҳовли саройи, унинг ички ва ташқи деворлари, Шарқ меъморчилигининг Хоразм услуби... Ушбу кўҳна шаҳар ҳақли равишда бутун дунё сайёҳлари эътироф этганидек, "очиқ осмон остидаги музейдир".

Дарҳақиқат, қадимий шаҳарларимиз, юртимизнинг гўзал табиатини бир марта кўришни орзу қиладиганлар жуда кўп. Шунга монанд бугун вилоятимизда мисли кўрилмаган янгиланиш ва ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунинг, айниқса, хорижликлар томонидан эътироф этилиши, ҳар қандай инсонга чексиз фахр, ғурур бағишлайди. ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган биргина Ичанқалъа мажмуасини ўтган йили 84 мамлакатдан 34 минг сайёҳ зиёрат қилди.

Хоразмда бундай тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар жуда кўп. Улар замон талаблари асосида таъмирланиб, сайёҳлар учун зарур шароитлар яратилаётгани натижасида вилоятда туризм изчил ривожланиб бораётир. 2016 йилда хорижлик сайёҳларга кўрсатилган хизматлар экспорти 2013 йилдагига нисбатан 20 фоиз ошган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Президентимиз жорий йилнинг 27-28 январь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида ҳудудда соҳани янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Урганчдан Хивагача темир йўл, Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо этиш, бу йўлда электропоездлар, келгусида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" тезюрар поезди қатновини йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади. Шаҳарнинг туризм жозибадорлигини ошириш мақсадида сайилгоҳлар ташкил этиш ва кечки сайр имкониятини яратиш, уларда миллий урф-одатларимиз ҳамда кўнгилочар дастурларни намойиш қилиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан суҳбатда тармоқда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш, сувенир ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўпайтириш хусусида сўз борди. Соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар ва бошқа ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш, жумладан, юртимизга келаётган сайёҳларга инглиз тили ва Европанинг бошқа тилларида ҳамроҳ-таржимонлар хизматини йўлга қўйиш билан бирга шарқ тиллари, айниқса, хитой ва корейс тиллари бўйича мутахассислар тайёрлаш бўйича аниқ топшириқ ва тавсиялар берилди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида Урганч давлат университетининг ҳамроҳ-таржимонлар тайёрлаш бўйича махсус иш режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда корейс ва хитой тиллари бўйича ҳамроҳ-таржимонлар тайёрлаш курсларининг шакли ва таълим олиш муддатлари аниқланиб ўқув режаси тузилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослиқ институти ва Самарқанд давлат чет тиллари институти зарур дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа услубий материаллар ажратди. Корейс ва хитой тилини ўрганувчилар учун ўқув хоналари замонавий талаблар асосида жиҳозланди. Айни пайтда йигирмага яқин талаба корейс тили бўйича ҳамроҳ-таржимонликка ўқитилмоқда.

Бугун ўқув дастурини янада бойитиш, таълимни амалиёт билан янада мустаҳкам боғлаш учун вилоятимиздаги туристик манзиллар рўйхати, уларнинг тарихи ҳамда хорижий сайёҳларни қизиқтириши мумкин бўлган бошқа масалалар ҳақидаги мавжуд барча материални корейс тилига таржима қилиш ва ўқув дастурига киритиш бўйича иш олиб борилмоқда. Университетда тез кунда хитой тили бўйича ҳам ҳамроҳ-таржимонлар курси ташкил қилинади. Талабаларни ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида корейс ва хитой тилларида ҳамроҳ-таржимонларни ўқитиш учун ўқув-услубий ва илмий-оммабоп китоб, рисола, реклама буклетлари ва бошқа материалларнинг доимий кўчма кўргазмаси ўтказилаётир.

Хулоса ўрнида айтганда, юртимизга келаётган сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш, юртимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитиш соҳа ходимларидан юксак билим ва малака талаб этади. Шу мақсадда Урганч давлат университетида ушбу йўналиш бўйича малакали мутахассислар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши юртимизда туризмни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Бу Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар сафининг муттасил кенгайиши, ички туризмнинг ривожланиши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Отаназар ЧЎПОНОВ,
Урганч давлат университети доценти, ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши раиси ўринбосари

Тиббий маслаҳат

ИСТИСҚО ҚАНДАЙ ДАВОЛАНАДИ?

Одам организмининг 50 фоизидан зиёдини сув ташкил этади. Қон, лимфа, меъда ширасн ҳам суюқликдан иборат. Улар доимий ишлаб чиқарилади, организмдан турли йўллар билан чиқариб юборилади, яна қайта ҳосил бўлади. Ушбу табиий жараён бир зум издан чиқса, организм нормал функционал фаолиятини давом эттира олмайди. Борди-ю, бу суюқликлар айланиши бузилса, истисқо касаллиги юзага келиши мумкин.

Уйқуга ётишдан олдин одам меъёридан ортиқ даражада чой, сув ва бошқа шу хилдаги суюқликларни истеъмол қилса, эрталабга бориб, баъзан бутун бадан шишиб кетади. Сабаб — организмда ортиқча миқдорда суюқлик йиғилиб қолади. Бир-икки соат ичида ана шу суюқлик организмдан пешоб, тер орқали чиқариб юборилгач, барча шиш тарқалади, тана яна аввалги ҳолатига қайтади. Борди-ю тана, жумладан, оёқ, бел ва юз соҳасида, хусусан, кўз остида шиш пайдо бўлса, тери ўз рангини йўқотса ва бироз вақт ўтгач кўкимтир рангга кириб, ялтираб қолса, бадандаги излар бир неча соат давомида йўқолмасдан сақланиб турса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим. Истисқо ривожланаётганидан дарак берувчи яна бир аломат — баданнинг ёғ тўпланадиган соҳалари (бел, сон) маълум вақт давомида бармоқ билан босиб турилса унда пайдо бўладиган из узоқ сақланиб қолади.

Ҳужайралар ва ҳужайраларо бўшлиқларда ортиқча суюқлик йиғилиши оқибатида организмнинг деярли барча аъзоси меъёрда функционал фаолият юритолмай қолади. Тери остида ортиқча суюқлик тўпланса, вақт ўтиб тери ёрилади, узоқ вақтгача битмайдиган яралар ҳосил бўлади. Оқибатда гангрена хасталиги келиб чиқиши мумкин.

Истисқони даволашнинг икки усли мавжуд. Биринчидан, шприц ёрдамида пайдо бўлган ортиқча суюқлик тортиб олинади. Муолажа учун клиник шароитда 1-2 дақиқа вақт талаб қилинади. Бундай усулда олинган суюқликнинг ўрнида бир неча ой ёки бир йилдан сўнг яна суюқлик пайдо бўлиши мумкин. Шу боис мутахассислар истисқони даволашнинг ушбу усулини ҳамма вақт ҳам қўллаш фойдали эмас, деб ҳисоблашади. Ундан фақат айрим ҳолатлар, масалан, жинсий аъзолар соҳасида тўпланиб қолган ортиқча суюқликни олиб ташлашда фойдаланса бўлади.

Иккинчи усулда касалликни келтириб чиқарган шароит ва сабаблар ўрганилади. Бунинг учун буйрак, жигар ва сийдик пуфаги соҳалари аввал ультра товуш тиббий ускунаси (УТТ), ундан сўнг электрокардиограмма (ЭКГ), баъзи вақтларда электроэнцефалограмма (ЭЭГ) воситасида текширилиб, қондаги қанд ва гормонлар миқдори аниқланади. Биокимёвий таҳлиллар ёрдамида бемор организмида моддалар алмашинуви жараёнлари қандай кечаётганини аниқлаш учун махсус тестлар ўтказилади. Муолажа билан бир вақтда танадаги ортиқча суюқликни олиб ташлаш чоралари кўрилади. Айрим ҳолатларда, айниқса, бўшлиқларда тўпланадиган суюқликлар мавжудлиги аниқланса, жарроҳлик йўли билан тиббий ёрдам кўрсатилади.

Шифокор тана бўшлиқларида ортиқча суюқлик тўпланганини аниқласа, яъни "истисқо" деган ташхис қўйса, бемор спиртли ичимлик, тузлама, дудлаб тайёрланган маҳсулотлар, аччиқ зираворларни истеъмол қилиши мумкин эмас. Ёғда қовурилган ёки ёғли овқатларни, узоқ қайнатилган шўрва, сут, қаҳва ва чойни имкон қадар кам миқдорда истеъмол қилиш тавсия этилади. Ушбу касалликка чалинган беморларга қатиқ, ёғсиз пишлоқ, йогурт каби маҳсулотлар истеъмол қилиш фойдали. Улар чанқоқни босиш учун кўпроқ қовоқ шарбатини ичгани маъқул.

БИЛАСИЗМИ?

● Физика йўналиши бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган энг ёш олим — австралиялик физик Уильям Лоренс Брэгг (1890-1971). У мазкур нуфузли мукофотга 1915 йил, 25 ёшида кристалларни рентген нурлари ёрдамида тадқиқ этгани учун лойиқ кўрилган эди.

ТУРФА ОЛАМ

АВТОМОБИЛЬ ТАШУВЧИ РОБОТ

Париж шаҳрининг Шарль де Голль номидаги халқаро аэропортда автомобиллар ташиш билан энди французларнинг "Stanley Robotics" стартапи яратган робот шуғулланади, дейилади "kommersant.ru" сайтида.

Бунинг учун йўловчилардан махсус ажаратилган жойга кириб, автомобилини қолдириш ва шахсий нарсаларини олиш талаб қилинади, холос. Шундан сўнг робот автомобилни ўз платформасига ортиб, белгиланган ҳудудга олиб боради. Йўловчи ортга қайтгач, маълумотлар терминалидан машинаси турган жой рақамини аниқлаштириб, уни олиб кетиши мумкин.

Ҳозирча ушбу хизмат туридан машиналарини аэропортда бир кеча-кундуздан кўпроқ вақтга ташлаб кетадиган мижозлар чипта харид қилган ёки олдиндан буюртма берган тақдирда фойдаланиши мумкин. Робот ушбу халқаро аэропортнинг икки терминалида синовдан ўтказилмоқда. Синов тахминан ярим йил давом этади. Сўнг мижозлар ундан бошқа терминаллар ва Орли аэропортида ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Брифинг

"ЛИЦЕНЗИЯ" АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ МАЖУАСИ

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ИШГА ТУШДИ

2016 йил декабрь ойидан бери синов режимида ишлаётган мазкур янги ресурсга 46 давлат органи, уларнинг таркибий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уланган. Бугунга қадар 600 га яқин ариза қайта ишланган, 41 мингдан зиёд лицензия ва рухсатномалар реестри киритилган.

Тошкент шаҳрида мазкур хизматнинг ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш ҳамда Тараққиёт стратегияси марказлари томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда маълум қилинди.

"Лицензия" ахборот тизимлари мажмуаси 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар асосида ишлаб чиқилган.

Лойиҳа доирасида Электрон лицензиялаш портали яратилди. У license.gov.uz Интернет манзилида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда портал орқали 40 фаолият тури бўйича лицензия ва рухсатномалар олиш учун электрон ариза топшириш мумкин. Фойдаланувчиларга аризани кўриб чиқиш ҳолатларини кузатиб бориш, лицензиялаш ва рухсатномалар бериш жараёнларини автоматлаштирилган ҳолда амалга ошириш имкониятлари тақдим этилган.

Айни пайтда тадбиркорларга транспорт, архитектура ва қурилиш, биржа, кўчмас мулк, савдо, тиббиёт, дорихона, таълим, маданият, спорт, туризм ва реклама каби йўналишларда лицензиялар электрон шаклда тақдим этилмоқда.

Жорий йилнинг охиригача барча рухсатномалар босқичма-босқич портал воситасида амалга оширилади. 2018 йилнинг 1 январидан рухсатномалар бериш жараёни автоматлаштирилиб, лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатлар электрон тизим орқали олинади.

— "Лицензия" ахборот тизимлари мажмуаси лицензия ва рухсат бериш жараёнини автоматлаштириш орқали лицензияловчи орган ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириб, фаолият турларини лицензиялаш ҳамда лицензиялар реестрига киритилган маълумотларнинг очиқлигини таъминлайди, — дейди "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази директори Шерзод Ҳабибуллаев. — Шу билан бирга, лицензиялаш бўйича маълумотлар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини фаол ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Тадбирда журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

ЖУРНАЛХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Биринчи Президентимиз ташаббуси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 февралдаги қарори асосида ташкил этилган "Жаҳон адабиёти" журнали халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш мақсадида мазмунан бой ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган жаҳон адабиёти намуналарини она тилимизда мутолаа қилишдек эзгу ишларга ҳисса қўшмоқда.

Таҳририят жамоаси атоқли олим ва таржимон Озод Шарафиддинов раҳбарлигида бошланган ишларни давом эттириш, журнал билан бошқа ташкилотлар ижодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, таржима мактабининг ижодкорлари доирасини кенгайтириш орқали халқимизни жаҳон адабиётининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, бу борада эришаётган ютуқлар ва келажакдаги режалар бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиб келмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида "Жаҳон адабиёти" журнали ижодий жамоаси ва муаллифлари билан ўтказилган учрашув шулардан бири.

Институт ректори А.Маннонов, филология фанлари доктори, профессор Н.Каримов, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев, Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид ва бошқалар "Жаҳон адабиёти" журнали йигирма йиллик фаолияти мобайнида ўқувчиларини Шарқ ва Ғарб адабиёти намояндалари ҳаёти ва ижоди, уларнинг асарлари билан таништириб боришда таниқли таржимонлар қаторида олий ўқув юртларида таълим бераётган олим ва ўқитувчилар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётгани таҳририят фаолиятини янада ривожлантиришда қўл келаётганини таъкидлади.

— Журналнинг ҳар бир сони такомиллашиб, таржима қилинаётган асарлар салмоғи ортиб бормоқда, — дейди институтнинг шарқ филологияси факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Қ.Омонов. — Айниқса, "Эпос — тафаккур дурдонаси", "Устоз таржимонлар бисотидан", "Адабиётшунослик. Фалсафа", "Қиёс ва талқин", "Жаҳон маданияти ва санъати", "Эссе", "Кундаликлар", "Ёш таржимон минбари" каби рукнларда берилаётган материаллар адабий муҳитнинг эътиборини жалб қилмоқда.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбири

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 416, Адади — 8505. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ҒАФФОРОВ
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 22.40. Топширилди — 23.30

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345